БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 116 (1378)
14 ИЮНЬ
ЯКШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг Украинада бўлиши

КИЕВ, 12 июнь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари озгина дам олганларидан кейин Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси Д. С. Коротченко ва республика Министрлар Советининг раиси Н. Т. Кальченко ҳузурида бўлдилар. Улар дўстона суҳбатлашдилар.

Сўнгра делегация аъзолари икки группага бўлиниб, шаҳарни гамоша қилишга киришдилар. В. Ульбрихт бошчилигидаги биринчи группа Н. В. Подгорний билан бирга пойтахтдаги ўрта мактаблардан бирини бориб кўрди. Бу ерда меҳмонлар болалар политехника таълимининг қўйилиши билан қизиқдилар.

О. Гротеволь бошчилигидаги иккинчи группа Киев политехника институтида бўлди.

Кечқурун партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари Тарас Шевченко номидаги Давлат опера ва балет театрида «Ўрмон қўшиғи» балетини тамоша қилдилар.

Зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашайлик!

☆ ☆ ☆

Картошка, сабзавот мўл-кўл бўлсин

Сабзавотчилар! Юракларга яқин ана шу сўзни эшитганимизда нозинеъматлар етиштирилаётган файзли далаларнинг эгалари — миришкор деҳқонлар кўз олдимизда гавдаланади. Улар таомларга лаззат киритувчи сабзи, пиёз, картошка ва помидор мўл бўлсин, дастурхонимиз безаги — ширин-шакар қовун, тарвуз, узум, анор ва анжир сероб бўлсин, деб астойдил бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

Чиндан ҳам илғор хўжаликларнинг аъзолари областимиз пахтакорлари сингари улуғ етти йилликнинг дастлабки йили топшириқларини ошириб бажариш, шу йўл билан умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.

Қорасув районидаги «XXI партсъезд» совхозининг донгдор бригада бошлиғи ўртоқ Насриддин Муҳиддинов областимиздаги барча сабзавотчи бригада бошлиқларига қарата ёзган хатида бундай деган эди:

«Келинг, ўртоқлар биз ҳам пахтакорлар сингари ўз ишимизда кескин бурилиш ясайлик. Ахир, биз ҳам улар каби деҳқонмиз-ку. Улар олаётган техника, ўғит ва бошқа ёрдамларни биз ҳам олаётирмиз-ку. Буларнинг ҳаммаси сабзавот ва картошка етиштиришни кўпайтириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда».

Ўртоқ Муҳиддинов ўз хатида сабзавотчи бригада бошлиқларини механизацияни кенг қўлланишга, оз меҳнат сарф қилиб, картошка ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришга, шаҳарлик биродарларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада мўл-кўл таъминлашга чақирди.

Бу чақириқдан илҳомланган хўжаликларнинг илғор бригадаларида эндиликда прогрессив методлар кенг қўлланилмоқда. Асосий экинлар квадрат-уялаб парвариш қилинмоқда.

Калинин районидаги Карл Маркс номли, Қорасув районидаги Ленин номли илғор хўжаликлар бу соҳада яхши натижаларга эришиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳар аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Бу колхозларда зиммага олинган мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида астойдил меҳнат қилаётган азамат кишиларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб берилган. Дала шийпонлари маданий дам олиш марказига айлантирилган. Колхозчилар вақтида иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

Афсуски, областимиздаги барча сабзавотчилик колхозлари ва совхозларида ҳам эртаги экинларни вақтида йиғиштириб олишга, аҳолини ёзнинг нози-неъматлари билан етарли таъминлаш ишига яхши эътибор берилмаяпти. Ўртаги экинлар парвариши ҳаддан ташқари сифатсиз ўтказилмоқда. Кечки экинларни экиб тамомлаш муддатлари ўтиб бораётганлигига қарамай, бу муҳим вазифа кечиктириб юборилмоқда.

Калинин районининг Карл Маркс қишлоқ Советидаги Ленин номли колхозда йирик-йирик карталардаги сабзи, пиёз, помидор, картошка ва бошқа полиз экинларини бегона ўтлар қоплаб олган. Сувдан қолган ва сувга эздириб юборилган пайкалларни кўплаб учратиш мумкин. Ана шундай аҳвол райондаги Хрушчев номли, «Москва» колхозларида ҳам юз бермоқда.

Областимизнинг қатор районларида картошка, сабзавот ва полиз экинлари экиш планининг белгиланган муддатларда бажарилмаётганлиги кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир. Қорасув районида пландаги икки минг ўрнига эндигина 1168 гектар ерга сабзавот экинлари экилган. Бўстонлиқ районида ҳалига қадар 330 гектар ерга картошка, Ўрта Чирчиқ районида 210 гектар ерга полиз экинлари экилмаган. Бу районларда ўртаги экинлар парвариши ҳам талабга жавоб бера олмайди.

Ўз зиммаларига шаҳар аҳолисини картошка ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашдек шарафли вазифа олган ана шу қатор хўжаликларнинг раҳбарлари ўз ишларида йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашишлари, бунинг учун даставвал ишчи кучлари ва моддий техника ресурсларини дала ишларига тўла сафарбар этишлари, ўртоқ Насриддин Муҳиддиновнинг ташаббусини бригадалар ўртасида кенг ёйишлари, янги прогрессив методларни кенг қўлланиб, механизациядан тўла ва унумли фойдаланишлари керак.

Бу йил областимиз бўйича 117 минг тонна картошка, 185 минг тонна сабзавот, 114 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 20 минг тонна узум ва 20 минг тонна мева етиштирилиши лозим. Бу аҳднинг уддасидан чиқилгандагина аҳолининг картошка ва сабзавот маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондирган бўламиз. Бунинг учун колхоз ва совхозларда илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, ўзаро социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариш, оммавий-сиёсий ишларни кенг йўлга қўйиш, далада астойдил меҳнат қилаётган азамат колхозчиларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб бериш колхоз ва совхозлар раҳбарларининг, район партия, совет ҳамда қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларининг эътибор марказида бўлсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Шу кунларда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ё. С. Насриддинова Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси муносабати билан мукофотланган санъат ва адабиёт ходимларининг катта группасига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Муддатидан 20 кун илгари

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбориб, 8-қурилиш трестининг коллективи 10 июнда қурилиш-монтаж ишларининг ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарди.

Область районларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 13 июнгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўйича	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Ҳаммаси бўйича	Бир кунлик ўсиш
Верхне-волинск	150,0	—	Бўстонлиқ	115,7	—
Мирзачўл	149,9	—	Оққўрғон	100,2	2,4
Қуйи Чирчиқ	145,0	—	Паркент	96,1	3,0
Ўрта Чирчиқ	140,4	0,1	Юқори Чирчиқ	90,1	0,3
Боёвут	135,3	—	Пискент	89,4	—
Калинин	131,9	—	Бекобод	85,5	—
Гулистон	131,8	—	Оҳангарон шаҳри	84,9	—
Қорасув	128,8	0,2	Бўка	84,5	—
Чиноз	124,9	—	Олмалиқ шаҳри	80,5	—
Оржоникидзе	123,2	—	Янгиер шаҳри	71,0	12,4
Янгийўл	123,1	—			
Сирдарё	121,2	—	Область бўйича	112,3	0,2

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ПОСТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Беғамлик оқибати шундай бўлади

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Зарифа Убайдуллаева бошлиқ бригада даласида иш қизғин. Бригада аъзолари «Бу йил она-Ватанга 480 тонна пахта етказиб берамиз!» деган шиор асосида тер тўкиб меҳнат қилишаяпти. Кўз олдимизда икки марта комплекс парваришдан чиқарилган ғўзалар. Карталарда бирор туп ҳам бегона ўт кўринмайди. Ғўзалар ёппасига шонага кирган.

Бригада аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерданга кўтариш мақсадида 120 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммасини кетмонсиз парвариш қилишаяпти. Ғўзани қондириб суғоришаяпти.

«Пискент» совхозининг 1- бўлимидаги бошқа бригадаларда ҳам ғўза парвариши дуруст ўтказилмоқда.

Афсуски, совхознинг бошқа бўлимларидаги аҳвол жуда ачинарли. Айниқса, ўртоқ А. Ғуломов бошқарувчи бўлган 2-бўлимда ғўза парвариши мутлақо қониқарсиз ташкил этилган.

Ҳозирги кунда бу бўлимда ягона қилинмаган ердаги ғўза 140 гектарни ташкил этади. 350 гектар ернинг ғўзаси эса бегона ўтлар орасида кўринмай қолган.

Ғўза парваришида механизациядан кенг фойдаланиш шу куннинг ғоят муҳим масалаларидан бири. Аммо барча бригадаларда ҳам бу ишга тузук эътибор берилмаяпти. Озиқлантиришнинг аҳволи бундан ҳам ёмон. Фикримизнинг исботи учун шуни айтиш кифояки, бўлимда шу кунга қадар 365 гектар ернинг ғўзаси иккинчи марта культивациядан чиқарилди, холос. Иккинчи марта озиқлантириш эса фақат 168 гектар ерда ўтказилди.

Бўлимда 800 ишчи кучи бор. Дала ишларида эса фақат 550-570 киши қатнашмоқда, Кунлик иш нормаларини бажармаётган ишчилар ҳам йўқ эмас. Тракторларнинг системали ишлаши устидан контроллик қилинмаяпти. Мавжуд 20 чопиқ тракторидан атиги 15 — 16 таси ғўза парваришида иштирок этаётганини бунга мисол қилиб кўрсатсак бўлади.

Шуниси ачинарлики, юриб турган тракторларнинг иш унуми ҳам анча паст, культивация қилинаётган ер кунига 5 — 6 гектарданга тўғри келади, холос. Айрим тракторлар арзимаган сабабларга кўра бир неча кунлаб ишсиз туриб қолади. Масалан, ўртоқ Мужи Дарвишев бошлиқ бригададаги бир универсал «бузилди» баҳонаси билан роса етти кун ўрнидан қўзғатилмаган. Уни бошқараётган механизатор эса ўз ишлари билан машғул бўлган. Колонна механиги ўртоқ Усмон Искандаров бу аҳволдан хабардор бўлгани ҳолда, «ўзига керак бўлса ишлар» деб қўл силтаб кетаверган.

720 гектар ердан 1 минг 285 тонна пахта ҳосили етиштириши лозим бўлган 7- бўлимдаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу ерда ишга яроқли кишиларнинг 30 — 40 проценти иккинчи даражали ишлар билан банд қилиб қўйилган. Техникадан унумли фойдаланилмаётир. Мавжуд 10 та чопиқ тракторидан кунига 3-4 таси ишламайди.

Ҳозирги кунда бўлимнинг 170 гектар ердаги ғўзаси ўт ичида қолиб кетган. 80 гектар ердаги ўсимлик эса сувсизликдан қовжираб қолди. Ғўза парвариши, айниқса, ўртоқ Т. Арслонов бошлиқ бригадада ачинарли аҳволда. Бригадада 140 гектар ерда ғўза ўстирилаяпти-ю, унинг 110 гектари шу пайтгача яганадан чиқарилмаган, ўтдан тозаланмаган. Р. Қодиров бригадасидаги аҳвол ҳам шунга ўхшайди. Бу бригадада иккита универсал бўлиб, уларнинг иш унуми жуда паст. Ғани Абдусалимов бошқараётган универсал ёмон ишлаяпти. У бир кун ишласа, тўрт кун бекор туради. Натижада бригаданинг 20 гектар майдондаги ғўзаси ҳанузгача биринчи культивациядан чиқарилмаган.

Пискент районидаги бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам ғўза парвариши совуққонлик билан ўтказилмоқда. Бунга Жданов номли колхозни мисол қилиб кўрсатсак бўлади. Бу хўжалик 575 гектар ерга чигит эккан эди. Колхоз аъзолари ана шу майдондан 1250 тонна пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Бироқ ҳозирги кунда қилинаётган иш ваъзданинг устидан чиқишга яраша бўлмаётир.

Ўртоқ Хусан Солиев бошлиқ 6-бригадада ғўза парвариши қониқарсиз ўтказилаётир. 25 гектар ернинг ғўзаси ўт ичида кўринмай қолган. Иккинчи марта кўндалангига ва узунасига ишлаш ҳанузгача бошланганги йўқ. Суғориш иши палапартиш бажарилаяпти.

Бу бригада 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштириши керак. Аммо бригадада механизациядан унумли фойдаланилмаётир. Масалан, Одил Абдуҳакимов бошқараётган универсал трактори 31 майдан 7 июнгача ишсиз ётган. Аммо бригадир ўртоқ Солиев тракторнинг тўхташ сабаби билан қизиқмаган.

Мавлон Эрмонов, Алижон Муродов бошлиқ бригадаларда бундан ҳам ачинарли аҳволни кўриш мумкин. Бу бригадаларда мавжуд ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаяпти. Прогулчилар, кунлик топшириқларни тўла бажармаётганлар оз эмас.

Колхозда 13 чопиқ трактори бор. Бироқ бир кунда уларнинг 10-11 таси ғўза парваришида қатнашаяпти, холос. Бунинг устига ана шу тракторлар бир кунда культивация қилган ер 80 — 85 гектардан ошмаётир.

Ғўза парваришининг ачинарли аҳволга ташлаб қўйилгани колхоз раиси Дўстбеков ва партия ташкилотининг секретари Ражабов ўртоқларни заррача ҳам ташвишга солмаётир. Улар ўт босган, чанқаган, таги яхши юмшатилмай, нимжон ўсаётган ғўзаларни гўё ҳеч кўрмагандай пинакларини бўзмай юришибди.

Июнь — ғўза парваришида ҳал қилувчи ой. «Пискент» совхози ва Жданов номли колхоз раҳбарлари буни эсда тутишлари лозим. Улар ҳозирги ғанимат кунлардан унумли фойдаланишиб, ғўза парваришидаги мавжуд қолоқликни тезда тугатиш учун барча куч ва имкониятларни тўла ишга солишлари керак.

Н. БЕКНАЗАРОВ,
Пискент район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.
М. САМАДОВ,
«Пахта учун кураш» газетасининг редактори.
Т. ҚОСИМОВ,
Ҳамза номли мактаб ўқувчиси.

Ғўза қониб сув ичмоқда

Бу колхознинг экин майдони паст-баландлик, нишаб ерлардан иборат. Бундай жойларда ғўза ўстириш деҳқондан ғоят усталик билан иш олиб боришни талаб қилади. Колхознинг миришкор сувчилари ғўзани суғорганда ҳамма вақт ернинг ана шу шароитини ҳисобга олган ҳолда иш юритадилар. Шу туфайли ҳам ўсимлик қониб сув ичади, мўл ҳосил тўплайди. Коммунист ўртоқ Ҳамзақул Мусақулов бошлиқ 6-бригада аъзолари культивация, суғоришни бир-бири билан боғлаб олиб бориб, барча майдондаги ғўзаларнинг барвақт шоналашига эришдилар. Бунда сувчи Мирмаҳмуд Сулаймоновнинг ҳиссаси каттадир.

— Бундай ерларда сув сал ортиқроқ қўйиб юборилса, эгат орасини ювиб кетади, — дейди Мирмаҳмуд ака, — ғўзанинг томири очилиб қолади.

Бригаданинг Исмат Раҳмонов, Ҳожиакбар Йўлдошев, Ўктам Хўжахонов каби сувчилари ҳам ғўзанн мэҳирлик билан суғориб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Мирмаҳмуд ака уларга ўз тажрибасини эринмай ўргатмоқда.

Бригадада бошқа дала ишлари ҳам намунали ўтказилаётир. Тракторчи Эргаш Ниёнбоев, Эгамберди Обидов ўртоқлар культивацияни сифатли ўтказмоқдалар. Мавжуд 57 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган бу илғор бригада аъзолари ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Шунингдек коммунист Н. Қосимбеков бошлиқ, Ойдин Хуршанов, Ҳамиджон Назирқулов бошлиқ бригадалар ҳам ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида бу йил 750 гектар ерда ғўза ўстирилмоқда. Бу ерларнинг ярмидан кўпида ғўза квадрат-уялаб сифатли парвариш қилинмоқда.

Х. АБДУСАМАТОВ.

Ҳаммаси шаҳарлик дўстларимиз учун

Қаршимизда кечагина иккинчи чопиқдан чиқарилган, ҳосил туга бошлаган яхлит помидор картаси. Ўнг ва сўл томонларда картошка, пиёз, қовун-тарвуз каби экинлар ўстирилаётган майдонлар. Бу ерлар Калинин районидаги Сталин номли колхозининг ўртоқ Соиб Юсупов бошлиқ 12-бригадасига қарашли экан.

Шаҳар атрофи хўжаликлари аҳоли учун мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари етиштириб бериш мақсадида қатъий кураш бошлаганларида бу бригада аъзолари ҳам ана шу ишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида конкрет мажбуриятлар олишган.

Ҳозирги кунда эртаги экинлар ҳосили, жумладан икки гектар ерда етиштирилган пиёз шаҳар аҳолиси учун жўнатиларкан. Бригада аъзоларидан Болтабой Мирсоатов, Муҳаббат Маҳкамова, Раҳимберди Юсупов сингари кўплаб меҳнатсеварлар эртаги картошка ҳосилини бугун-эрта етилтириб, шаҳарлик дўстларга тақдим этиш учун фидокорона меҳнат қилишаётир.

Бригада аъзолари ўртоқ Н. Муҳиддинов ташаббусига қўшилиб, механизацияни кенг қўлланмоқдалар. Экинлар деярли кетмонсиз парвариш қилинаяпти. Сабзавотчилар ана шуни ҳисобга олиб, ҳар гектар ердаги картошкадан 20, помидордан 30, пиёздан 12 ва полиз экинларидан 22 тоннадан ҳосил етиштириш мажбуриятини олишиб, тер тўкиб меҳнат қилаётирлар.

М. ОРТИҚОВ.

САБЗАВОТЧИ МУҲИДДИНОВ ТАШАББУСИНИ ОММАЛАШТИРАЙЛИК

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ

Колхоз кишиларининг ғайрати, ишга бўлган ҳаваси ниҳоятда кучли.

— Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, биз шаҳарлик биродарларимизга қанчалик кўп сабзавот, картошка, чорва маҳсулотлари етказиб берсак, улар бизни шунчалик нафис кийинтиришади, тўйдиришади!

Бундай юрак сўзларини колхозлардаги каттадан кичикнинг оғзидан эшитиш мумкин. Колхоз аъзолари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳар аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорини дилга жо қилиб, бу йил ҳосилни кўпайтириш соҳасида кескин бурилиш ясаш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Раис ана шу олижаноб мақсад йўлида барча имкониятларни ишга солаётган колхозчилар, Қорасув районидаги «XXI партсъезд» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Насриддин Муҳиддиновнинг ташаббусига қўшилиб, сабзавот, картошкадан оз меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олган бригада ва звенолар ҳақида сўзлаб берди.

Ҳамрохўжа Носиров бригадаси ана шундай бригадалардандир. Биз бригадир Ҳамрохўжа акани пайкаллардан янгигина узиб чиқилган карам ҳосилини машинага ортишаётган пайтда учратдик.

— Ҳар куни шаҳарга 2 — 3 марта карам жўнатиб турибмиз. дейди Ҳамрохўжа ака, — уч гектар ердаги карамимиз мўл ҳосил тўкди, ҳар гектаридан камида 30 тоннадан ҳосил берамиз.

Колхозчиларнинг меҳнат завқига шерик бўлиб, уларнинг ишини бироз кузатиб турдик: карам ҳосили бир йўла илдизи билан суғуриб олинмоқда.

— Нега шундай қилинмоқда?

— Ўтган йили карамнинг илдизини ерда қолдириб, кейинчалик ҳайдаш даврида анча қийналдик, шундай қаттиқ бўларканки, ҳа деганда чириб ерга қоришиб кетмас экан. Бу йил бир ишни икки қилмаслик учун шундай йўл тутяапмиз.

Колхозчилар шу орада машинани карамга лиқ тўлдирдилар. Шофер Жўра Абдувалиев рулга ўтираркан, бригадир уни тўхтатди.

— Икки яшик помидоримиз ҳам бор, уни ҳам олиб кетгин.

Бригаданинг помидор ҳосили етиштирилаётган картасига бордик. Ўсимлик вақтида суғорилганлиги, икки марта чопиқ қилиниб, икки марта трактор культивацияси қилинганлиги туфайли бу йил ўтган йилдагига қараганда бир ой олдин ҳосил берибди. Колхозчилар кўмқўқ палаклар орасидан ғуж-ғуж бўлиб турган помидорларнинг қизилларини танлаб яшикчаларга жойламоқдалар.

— Насриддин Муҳиддинов жуда ҳақ гапни ўртага ташлади, — деди Ҳамрохўжа ака. — Бригадамиз аъзоларига ҳам Муҳиддиновнинг фикрлари жуда маъқул бўлди. Биз ҳам сабзавот, картошка, қовун-тарвуз ҳосили етиштиришда улардан қолишмаймиз. Шу мақсадда механизациядан кўпроқ фойдаланамиз.

Сўнгра Муҳиддинов ташаббусига қўшилиб ишлаётган ўртоқ Пак Александр бригадасида бўлдик. Бу ерда 3 гектар ердаги картошка квадрат-уялаб ўстирилмоқда. Ҳозиргача икки марта узунасига, икки марта кўндалангига культивация қилинибди. Квадрат-уялаб чигит экиш усталари ғўзани қандай эркинлик билан культивация қилишса, сабзавотчи механизатор Пўлат Мамасолиев ҳам 70х70 схемасида квадрат-уялаб экилган картошка ўсимлигини шунчалик моҳирлик билан культивация қилибди.

Колхозда бундай ташаббускор, янгиликни ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилиб, мўл ҳосил етиштириш йўлида барча резервларни ишга солаётган бригадирлар кўп.

— Биз ҳам карам, картошка, маккажўхори, сабзавот, қовун-тарвуз етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг кўп қисмини механизация ёрдамида бажариб, маҳсулотнинг таннархини ўтган йилдагига қараганда бирмунча арзонлаштирамиз, — ҳикоя қилади раис, — масалан, ўтган йили бир килограмм картошканинг таннархи 63 тийинга тушган эди. Бу йил камида 50 тийинга туширишга қарор қилганмиз. Биз бунга қандай қилиб эришамиз?

Бултур 105 гектар ерга картошка экилган эди. Бу йил 160 гектар ерда картошка етиштирмоқдамиз. Еримиз кўпайгани билан ишчи кучи ўзича қолаверди, биз кўпроқ техникадан фойдаланамиз. Шу йўл билан ҳосилни кўпайтирамиз.

Колхоз далаларида иш кундан-кунга қизиб бормоқда. Меҳнатсевар колхозчилар, механизаторлар шаҳар аҳолисига сифатли ва арзон баҳодаги сабзавот ва картошка ҳосили етказиб бериш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Н. РИҲСИЕВ,
Калинин районидаги Киров номли колхоз.

Суратларда: 1. Колхознинг ўртоқ Ҳамрохўжа Носиров бошлиқ бригадасида карамдан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар куни шаҳарга 2 — 3 машина карам жўнатилмоқда. 2. Колхозчилардан Махамат Жўраев, Назми Рафиқовалар терган помидорларни бригадир Носиров яшикларга жойламоқда 3. Колхоз раиси Раҳматуллаев ва 9-бригада бошлиғи Пак Александр ўртоқлар квадрат-уялаб экилган картошка ўсимлигн қандай культивация қилинаётганлигини текшириб кўрмоқдалар.

У. Азимов фотолари.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ VII ЧАҚИРИҚ II СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети Тошкент область Советининг барча депутатларига билдирадики, шу йил 19 июнь эрталаб соат 10 да меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг VII чақириқ II сессияси очилади.

Сессия Ўзбекистон Давлат Эстрада театри биносида (Навоий кўчаси, 55-уй) ўтказилади.

Депутатларни рўйхатга олиш 19 июнда шу ерда соат 9 да бошланади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Ишлаб чиқаришга янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилайлик!

Рационализаторларнинг 600 та таклифи

Чирчиқ электрокимё комбинатининг кўп сонли коллективи ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Янгилик изловчилар шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 600 та таклиф киритдилар. Шундан 480 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ихтирочилик таклифларини ҳамда бир қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш туфайли комбинат шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 1 миллион 700 минг сўмлик маблағни тежаб қолди.

Энг яхши рационализаторлардан ўртоқ Г. Вургарт технология процессларини такомиллаштиришга қаратилган 4 та таклиф киритди. Ана шу таклифларни амалга ошириш корхонага 500 минг сўм фойда келтирди. Актив рационализаторлардан Саъдилла Яхёев асбоб-ускуналарни капитал ремонт қилиш ва комбинатда олиб борилаётган реконструкция ишларини тезлаштиришга қаратилган 6 та таклиф киритди. Шулардан ҳозиргача 5 таси амалга оширилди.

Ишчилар ва инженер-техник ходимлардан тушаётган таклифларнинг ўз вақтида амалга оширилаётганлиги сабабли комбинат давлат планларини муттасил ортиғи билан бажармоқда.

Т. УРУНОВ.

Тошкентдаги 3-нон заводида асосий иш процессларини машина ва механизмлар бажармоқда. Натижада аввалгидан анча кўп нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Корхона коллективи партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Илғор ишчилардан Вера Кудряшева ва Валя Зайнуддинова ўртоқлар кундалик смена топшириқларини 115—125 процентга етказиб адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Суратда: улар иш устида. М. Ҳусанов фотоси.

Янгилик изловчилар

Кўп қатори бизнинг коллектив ҳам КПСС Марказий Комитети июнь Пленумини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Цехлараро социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш туфайли энергетикларимиз беш ойлик план топшириқларини муддатидан илгари анча ортиғи билан бажардилар.

Йил бошидан бери кўчма Қизил байроқни ўз қўлларида сақлаб келаётган гидротехника цехининг ишчилари мусобақада олдинда бормоқдалар. Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашаётган навбатчи инженер Ўткир Камолиддинов раҳбарлигидаги смена аъзолари ҳамда Солижон Муродалиев бошлиқ ремонтчилар бригадасининг аъзолари смена топшириқларини муттасил 140 — 150 процентга етказиб бажармоқдалар.

Станция техника-иқтисодий кўрсаткичларининг тобора яхшилана боришида рационализатор ва ихтирочиларимизнинг ҳиссаси каттадир. Улар меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги-янги резервларини қидириб топмоқдалар. Слесарь машинист Собир Ҳамидов, гидротрубин машинисти Иван Паркин, электромонтер Каримжон Ҳакимов каби актив рационализаторларимизнинг ҳар бири ҳозиргача 3 — 4 талан таклиф киритиб, давлатнинг кўп миқдордаги маблағини тежаб қолдилар.

Қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган коллективимиз олти ойлик топшириқни 24 июнгача бажаришга аҳд қилган. Коллективимиз ўз аҳдининг устидан албатта чиқади.

Б. ТАЙКЕНОВ,
Фарҳод ГЭС партия бюроси секретарининг ўринбосари.

Техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашнинг муҳим омили

Етти йиллик планда Тошкент лакбўёқ заводи коллективи зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланади. Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш бир ярим баравардан зиёдроқ кўпаяди. Шу билан бирга янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Айниқса синтетик хомашёлардан тайёрланадиган маҳсулот турлари кўпаяди.

Завод коллективи бундай вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун жуда катта тадбирларни амалга оширишни белгилади. Бу ерда иккита янги ихтисослаштирилган цех қурилади. Унинг бири — кенг истеъмол буюмлари цехи шу йилнинг охиригача ишга туширилади. Натижада меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун лак ва бўёқлар ишлаб чиқариш бир неча баравар кўпаяди. Шунингдек, пигмент майдалайдиган цех қурилади. Бу республикамизда жуда кўп бўлган маҳаллий хомашёдан фойдаланишнинг катта имкониятларини вужудга келтиради.

Етти йилликдаги вазифалар фақатгина ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш ҳисобига бажарилмайди. Балки ва асосан мавжуд цехларни реконструкция қилиш, кўплаб янги машина ва механизмларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, эски асбоб-ускуналарни модернизациялаш натижасида ҳал қилинади.

Шу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида завод бош механиги Юрий Леопальдович Бенькельштат қуйидагиларни айтди:

— Ҳозирги вақтда корхонамизда юзларча машина ва механизмлар ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси ишчиларимиз меҳнатини енгиллаштираётир. Лекин шунга қарамай, бизда қўл кучи билан бажарилаётган иш процесслари ҳам анча бор. Корхона инженер-техник ходимлари ва новаторлари энг муҳим ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича план тузиб чиқдилар. Планда белгиланган тадбирларнинг бирин-кетин амалга оширилиши ажойиб натижалар бераётир.

Спиртли лак ишлаб чиқариш цехида тайёр маҳсулотни шишаларга қуйиш процесси қўлда бажарилар эди. Бир неча киши шу иш билан шуғулланарди, улар меҳнатининг унуми кўнгилдагидек эмасди. Ишчилар кўпинча тайёрланган маҳсулотни идишларга қуйиб улгуролмасди. Шу йилнинг бошида бу мураккаб иш процесси енгиллашди. Бу ерда ярим автомат агрегат ўрнатилди. У тайёрланган лакни автоматик равишда белгиланган миқдорда идишларга қуйиб туради.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тинмай кўпайиб бориши буғ қозонхонаси қувватини ошириш заруриятини туғдирди. Ҳосил қилинаётган буғ миқдори корхона эҳтиёжларини қондира олмади. Шунинг учун қозонхона модернизация қилинди. Буғ барча цех ва участкаларга айрим-айрим трубалар орқали етказилмоқда. Ёқилғини ташиш тўла механизациялашди.

Модернизация корхонага ҳар йили 200 минг сўмдан кўпроқ фойда келтиради.

М. МИРҲАМИДОВ.

Пластмассадан деталлар

«Ростсельмаш» заводида пластмассадан турли хил деталлар тайёрлайдиган тажриба участкаси ташкил этилган. Участка коллективи ўзиюрар комбайнларнинг бир қанча деталларини пластмассадан тайёрлашни муваффақият билан ўзлаштирди. Чунончи, ҳозирги пайтда подшипниклар қопқоғи, втулкалар пластмассалардан тайёрланаётир.

Кўпгина деталлари пластмассадан тайёрланган комбайнларнинг дастлабки тажриба партияси — 50 та машина ўрим-йиғим ишлари бошлангунча ишлаб чиқарилади.

Қуйилмалар сифатини яхшилайлик

Партиямиз XXI съезди қарорларида машинасозлик саноатининг тайёрлов базаси — қуйилмалар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилади.

Қуйилмалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича етти йиллик планда белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда имкони борича камроқ брак маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш катта аҳамиятга эга. Маълумки 1958 йилда Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик саноати бошқармасига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган чўян қуйилмаларнинг 9,8 проценти, пўлат қуйилмаларнинг 9,9 проценти брак қилинган эди. 1957 йилда ҳам аҳвол бундан яхши эди деб бўлмайди. Натижада ана шу икки йил давомида тахминан 12 минг тонна қуйилма брак қилинди.

Брак маҳсулотлар ишлаб чиқариш маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг камайиб кетишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, хомашёни ортиқча сарфлаб юборишга ҳам олиб келади. Бу эса ўз навбатида қуйилмаларнинг таннархини анча ошириб юборади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу йил ҳам машинасозлик саноати корхоналарида брак маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин камайтириш имконини берувчи тадбирлар амалга оширилмаётир. Бунинг исботи учун қуйидаги фактларга мурожаат қилайлик. 1959 йилнинг биринчи кварталида Тошкент Совнархози машинасозлик саноати бошқармасига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган барча кулранг чўян қуйилмаларининг 7,92 проценти, тобланадиган чўяннинг 9,3 проценти ҳамда пўлат қуйилмаларнинг 8,3 проценти брак қилинган.

Фақатгина «Ташсельмаш», «Узбексельмаш» ва «Таштекстильмаш» заводларида брак қуйилмалар ишлаб чиқариш туфайли ўтган бир квартал мобайнида 801,1 минг сўм маблағ исроф қилинди. Маълумки, қуюв цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қисман брак қилиниши табиий ҳолдир. Лекин айрим корхоналар бу соҳада қўпол хатоларга йўл қўймоқдалар. Масалан, «Таштекстильмаш» ва «Узбексельмаш» заводларида ўтган биринчи кварталда брак қилинган маҳсулотларнинг ҳажми планда белгиланганидан 29,1 ва 22,6 процент ошиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда очиладиган навбатдаги Пленуми саноатда ва қурилишда комплекс механизацияни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, тайёрланадиган маҳсулотнинг сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтириш каби қатор масалаларни кўриб чиқади. Партия ва ҳукуматимиз маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга алоҳида аҳамият бераётган экан, биз ҳам шу муносабат билан қуйилмалар ишлаб чиқаришда йўл қўйилаётган камчилик ва хатоларни бартараф қилиш, шу асосда брак маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин камайтириш имконини берадиган тадбирларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Брак қуйилмалар ишлаб чиқаришни кескин камайтиришда суюқ металл температурасининг юқори бўлиши катта аҳамиятга эга. Чунки қуйилманинг температураси қанчалик паст бўлса, шунча кўп маҳсулот брак қилинади. Печларнинг температурасини оширишда сифатли кокс қўлланиш яхши натижалар бермоқда. Бироқ Тошкент Совнархозига қарашли кўпчилик корхоналарда кокс очиқ ҳавода сақланаётганлиги туфайли унинг сифати бузилиб қолмоқда. Бундан ташқари, кокснинг асосан Тошкентдан 2,5 минг километр узоқда жойлашган Кемеровскдан ташиб келтирилаётганлиги унинг сифати бузилиб кетишига ва ҳаддан ташқари исроф бўлишига олиб келмоқда. Фактлар шуни кўрсатадики, 1958 йилда Ўзбекистонга 100 минг тонна кокс ташиб келтирилган. Бундан 41 минг тоннаси қуюв цехларининг эҳтиёжлари учун сарфланган. 100 минг тонна коксни ташиб келтириш учун темир йўлига тахминан 7,5 миллион сўм тўланган. Етти йилликнинг охирига бориб Ўзбекистонда қуйилмалар ишлаб чиқариш 1,8 баравар кўпайтирилади. Агар кокс бундан буён ҳам Кемеровскдаги кокс-кимё комбинатидан ташиб келтириладиган бўлса, 1965 йилга бориб темир йўлига коксни келтириб бергани учун йилига тахминан 5 миллион сўм тўлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги мавжуд саноат корхоналарини маҳаллий ёқилғи билан етарли даражада таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, бизнингча қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим: Биринчидан, Оҳангарон ва Ўзген кўмир ҳавзаларида кокс-брекет заводлари қуриш керак. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Кимё институти лабораторияларида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, юқоридаги иккала кўмир ҳавзасидан қазиб чиқарилаётган хомашё бемалол сифатли кокс ўрнини боса олади.

Иккинчидан, Оҳангарон ва Ўзген кўмир ҳавзаларида кокс-брекет заводлари қуриш мумкин бўлмаган тақдирда, мавжуд қуюв цехларини қисқа муддат ичида газ билан таъминлаш лозим. Бу тадбирнинг амалга оширилиши ёқилғи ўрнини энг арзон хомашё — табиий газ билан алмаштириш ва давлатнинг миллион-миллион сўмлаб маблағини тежаб қолиш имконини беради.

Суюқ металл температурасини оширишга эришишда вагранкага кислород пуркаш методи ҳам яхши натижалар бермоқда. Тажриба шуни кўрсатдики, чўянни 1500 ва ундан ортиқ градусгача қиздирилганда, физик-механик хусусиятлари анча яхши бўлган металл олиш мумкин. Бироқ республикамиздаги мавжуд қуюв цехларида масаланинг бу томонига етарли аҳамият берилмаётир.

Харьковдаги Гидростанок институти ходимлари суюқ металл температурасини оширишнинг янги усулини топдилар. Улар янги конструкцияли вагранка яратдилар. Бу вагранкада чўянни қиздириш процесси иссиқ ҳаво пуркамасдан амалга оширилади. Бу техника янгилигини қуюв цехлари иш процессига кенг жорий қилиш қуйилмалар сифатини кескин яхшилаш ва маҳсулотларнинг брак бўлишини бирмунча камайтириш имконини берган бўлур эди.

Ишлаб чиқарилаётган қуйилмаларнинг кўплаб брак қилиниши қолип учун ишлатиладиган хомашёнинг сифатига ҳам боғлиқ. Маълумки, қуюв цехлари бир неча йиллардан буён қолип ясаш учун Дарбозадаги қум запасларидан фойдаланиб келмоқдалар. Дарбоза қуми фақат чўян қуйилмалар ишлаб чиқариш учунгина қўлланилган тақдирда, ўзини оқлай олади. Агар Дарбоза қумидан пўлат қуйилмалар ишлаб чиқариш учун фойдаланилса, у ҳолда кўпгина маҳсулот брак бўлади ва унинг сифати кескин пасайиб кетади. Пўлат қуйилмалар ишлаб чиқаришда Жилға қумидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жилға қумининг нархи Дарбозадан келтирилаётган қумнинг нархи билан баравар бўлса ҳам, қуюв цехларини муттасил равишда Жилға қуми билан таъминлаб туриш ҳалигача йўлга қўйилмаган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Жилғадаги қум запаслари темир йўлига яқин ерда жойлашгани учун ҳам, барча қуюв цехлари бу ердан марказлашган тартибда кўп миқдорда ва арзон қум олишлари мумкин. Лекин ана шу Жилға қум запаслари шу чоққача «Союзформпески» ихтиёрида бўлиб, бу — пойтахтимиз машинасозлик саноати корхоналарини қолип ясаш учун ишлатиладиган хомашё билан бир меёрда таъминлаб туришга тўсқинлик қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу қум запасларини Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқдир.

Қуйилмаларнинг сифатини яхшилаш ва уларнинг брак қилинишига хотима бериш учун техника контролини кучайтириш, брак маҳсулот ишлаб чиқараётганларга нисбатан қаттиқ чора кўриш, қуюв цехларида меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг масъулиятини ошириш, техника янгиликларини кенг жорий қилиш лозим.

С. ҚОДИРХОНОВ,
Тошкент молия-иқтисод институтининг ўқитувчиси.

ФАН ва ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИ КОМБАЙН ЁТКИЗАДИ

Хабаровск темир йўл транспорти институти лойиҳа-конструкторлик бюросининг бош конструктори Александр Андреевич Бородин кўп йилларидан бери темир йўл қурилишини механизациялаш устида ишлаб келмоқда. Одатда бир километр масофадаги темир йўл излари звеноларини ётқизиш учун 80-100 киши-соати сарфланар ва трассанинг ҳар юз километр ерида йиғув базалари ташкил этиларди. Базаларни монтаж ва демонтаж қилиш ўрта ҳисобда давлатга ярим миллион сўмга тушар эди.

А. А. Бородин бир неча йиллардан бери узликсиз иш олиб бориб, темир йўл излари звеноларини йиғадиган кўчма автомат комбайн яратди. Унинг агрегати 4 та платформага монтаж қилиб ўрнатилган.

Машинада 15 киши хизмат қилади. Комбайннинг тажриба нусхаси синовдан муваффақият билан ўтди.

Социализм қураётган мамлакатларда

РУМИНИЯДА КИМЁ САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

БУХАРЕСТ. Руминияда Сэвинештидаги релон фабрикасининг биринчи навбат қисми ишга туширилди. Шу йилнинг ўзидагина янги фабрика ишлаб чиқарган сунъий ипдан тўқимачилик саноати корхоналарида 1.500 минг квадрат метр газлама, 700 минг дона трикотаж буюмлар, шунингдек сунъий тола аралаштириб йигирилган ипдан 7—8 миллион квадрат метр хилма-хил газлама тўқилади.

Руминия Халқ Республикасида пластмасса ва синтетик смолалар ишлаб чиқарадиган хомашё запасларининг кўп миқдорда мавжуд бўлиши мамлакатда ана шу хил материалларни ишлаб чиқариш юзасидан кенг программа тузиш имкониятини берди.

Шу йил давомида мамлакатда 6.300 тонна пластмасса ва синтетик смолалар ишлаб чиқарилади, бу эса 1958 йилдагидан 4.300 тонна кўпдир. Ҳозирги вақтда Руминия Халқ Республикасида пластмассадан 200 дан кўпроқ хилма-хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда.

1959 йилда Руминияда кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1938 йилдагига нисбатан ўн баравар кўпаяди.



Бу йил Корея Халқ Демократик Республикасида 1 миллион тоннадан кўпроқ чўян ва 800 минг тонна пўлат ишлаб чиқарилади, 4,2 миллион тонна темир руда қазиб олинади. Металлургия заводлари ва бойитиш фабрикаларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади. Суратда: Мусанск конида қурилаётган бойитиш фабрикаси асбоб-ускуналарини монтаж қилиш пайти.

Чо Ень Дин фотоси. КХДР марказий телеграф агентлигининг фотохроникаси.

1959 ЙИЛДА ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ САВДОСИ

ХАНОЙ. Вьетнам информацион агентлигининг билдиришича, Вьетнам Демократик Республикаси Ташқи савдо министри Фан Ань бугун бу ерда бўлиб ўттан савдо конференциясида сўзга чиқиб, 1959 йилда Шимолий Вьетнамда экспорт ҳажми 1958 йилдагига нисбатан 63 процент ва Жанубий Вьетнамнинг шу йил давомида қиладиган экспорт ҳажмидан қарийб икки баравар ўсиб кетишлигини айтади.

Социалистик мамлакатларда экспорт ҳажми, деди сўнгра Фан Ань, шу йил мобайнида 1958 йилдагига нисбатан 62 процент ортади.

Социалистик мамлакатлардан ташқари, деб таъкидлади сўнгра Фан Ань, Шимолий Вьетнам ҳозирги вақтда Осиё, Африка ва Европадаги 12 мамлакат билан савдо-сотиқ қилиш муносабатлари ўрнатди. (ТАСС).



Хитой Халқ Республикаси, Ланьчжоу шаҳрида барпо қилинаётган кимё заводи қурилишида. Бу шаҳар ғарбий-шимолий Хитойнинг индустриал марказларидан бирига айланиб бормоқда.

Си Ма фотоси, Синьхуа агентлиги.

Хитой Халқ Республикасидаги янгиликлар

БУ ЙИЛ 18 МИЛЛИОН ТОННА ПЎЛАТ УЧУН

Хитой металлурглари бу йил 18 миллион тонна пўлат қуйиш топширигини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

Аньшань металлургия комбинатидаги тўрт йирик мартен печларининг пўлат қуювчилари ўзларининг апрель ойи ишлаб чиқариш планларини ошириб бажариб, пландан ташқари қарийб тўрт минг тонна юқори сифатли пўлат бердилар.

Аньшань комбинатининг домначилари ҳам пўлат қуювчилардан кейинда қолмаётирлар. Металлурглар апрель ойида пландан ташқари 3.500 тонна чўян қуйдилар.

Пекин яқинидаги Шицзиншань металлургия заводини қайта қуриш суръатлари тезлаштирилмоқда. Қурувчилар кўпгина объектларни шу йилнинг охиригача ишга тушириш мажбуриятини олдилар.

Шицзиншань заводи кичик бир корхонадан йилига 1.600 минг тонна пўлат ишлаб чиқарадиган йирик металлургия комбинатига айлантирилади.

МАМЛАКАТ ТОБОРА КЎПРОҚ НЕФТЬ ОЛМОҚДА

Хитой нефтчилари мамлакатга тобора кўпроқ нефть бериш шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

Тўртта етакчи нефть районларининг коллективлари, яъни Юймин, Цайдам ҳавзаси, Карамай ва Сичуань вилоятининг марказий қисми нефтчилари нефть қазиш суръатларини тезлаштирмоқдалар. Масалан, Карамай кончилари бу йил 1958 йилдагига нисбатан уч баравар кўпроқ нефть берадилар.

ЯНГИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР

Шаньшуй дарёсида (Янцзий дарёсининг ирмоғи) Марказий Хитойда 900 минг киловатт қувватга эга бўлган Даньцзянкоу гидроэлектростанцияси барпо этилмоқда. Қурувчилар ана шу гидроэлектростанцияни муддатидан бир йил олдин ишга тушириш мажбуриятини олдилар.

Синьаньцзян дарёсида (Шарқий Хитой) 650 минг киловатт қувватга эга бўлган бошқа бир йирик янги ГЭСнинг бўлажак тўғонига бетон ётқизиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Гуанси-Чжуан автоном районида Сицзинцзян дарёсида икки юз ўн минг киловатт қувватга эга бўлган гидроэлектростанция қурилиши тамомланмоқда.

Гуаньдун вилоятидаги (Жанубий Хитой) Синьфэншуй гидроэлектростанцияси шу йилнинг охирига бориб дастлабки электр қувватларини бера бошлайди. Унинг қуввати 300 минг киловаттга баравардир. Гидротехника узелига кирадиган 11,5 миллиард кубометр ҳажмдаги катта сув омбори 40 минг гектардаги ерни суғориш имкониятини беради.

«ШАРҚДАН ШАБОДАЛАР» ДЕГАН ДОН КОМБАЙНИ

Шэньян қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи «Дунфин» («Шарқ шабодаси») деган янги типдаги ғалла ўрадиган комбайн ясаб чиқарди.

Янги машина қалин ўсган дон экинларини ўриб олиш учун мўлжалланган. Ғаллани ўриш, янчиш, шопириш ва қоплаш ишларининг ҳаммаси автоматлаштирилган. (ТАСС).

ИЧКИ МЎҒУЛИСТОН АВТОНОМ РАЙОНИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ПЕКИН. Синьхуа агентлиги мухбирининг Хух-Хотодан хабар қилишича, ички Мўғулистон автоном районида 12 йил мобайнида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти чиқариш беш баравар ортган. Ўтган йили бу ерда 90 минг тоннадан зиёдроқ пўлат ва чўян эритилди.

Ҳозирги вақтда ички Мўғулистон саҳроларида юзтадан кўпроқ янги иқтисодий марказлар барпо этилган Баотоуда металлургия комбинати барпо этилди. Бу комбинат мамлакатнинг учта металлургия марказидан биридир.

Чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳозирги вақтда ички Мўғулистонда 24 миллион бошдан кўпроқ чорва моллари бор. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан автоном район мамлакатда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Автоном район аҳолисининг маданий савиясини ошириш учун кўпгина ишлар қилинди. Илгари битта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган. Бу ерда, эндиликда 18 та олий ўқув юрти ишлаб турибди. 12 йил мобайнида бу ерда яшовчи кичик миллатлар орасидан 130 минг маҳаллий кадр етишиб чиқди.



Германия Демократик Республикаси. Боде дарёсида Германияда энг йирик ҳисобланган сув омбори қурилмоқда. Унинг узунлиги 8 километр бўлиб, қарийб 110 миллион кубометр сув сақлаш мумкин. Тўғонниг баландлиги 105 метр, узунлиги эса 435 метрдир.

Рапподе тўғони қурилиши 1952 йилда бошланган бўлиб, Боде дарёси водисидаги сув энергетика системасига кирадиган асосий объектлардан бири ҳисобланади. Тўғоннинг ишга туширилиши бир неча ўн йиллардан бери ҳал қилинмай келаётган қурғоқчилик ва сув тошқинлари каби проблемаларни узил-кесил бартараф қилиш имконини беради. Суратда: Рапподе тўғони. Бинокорлар тўғон қурилишини 7 ноябргача — Германия Демократик Республикасининг 10 йиллиги кунигача тугаллаш мажбуриятини олдилар.

Крюгер фотоси, Центральбильд.

Тошкент ўқув юртларида

В. И. Ленин номли республика қизлар Педагогика билим юртининг юқори курс студентлари имтиҳонларга пухта тайёрланмоқдалар. Маъмурият уларнинг имтиҳонларга тайёргарлик кўришлари учун ҳамма шароитни яратиб берди. Дарс тайёрлаш учун махсус хоналар ажратилди, консультант ўқитувчилар белгиланди, кутубхоналарнинг ишлаш вақти узайтирилди.

М. Орипова.

* * *

Тошкент Медицина билим юрти студентларининг илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда студентлардан Утегенов, Сеферова, Қорабоев ва бошқа ўртоқлар медицинанинг актуал темаларида докладлар қилиб, юқори баҳо олдилар. Конференция ишларида 8 доклад тингланди. Унга студентлардан 200 киши иштирок этди.

Х. Муқимов.

* * *

Тўқимачилик институти студентлари олий математика фанининг актуал масалаларига бағишлаб илмий конференция ўтказдилар. Унда студентлардан А. Абдухафизов, З. Маъдиевлар «Профессор Н. Н. Назаров ва унинг Тошкентдаги математика мактаби», «Улуғбек ва унинг математика мактаби» деган темаларда доклад қилдилар.

Р. Қодирқулов.

* * *

Чет тиллар педагогика институтининг студентлари назарий конференция ўтказдилар. Беш кун давом этган бу конференцияда студентлар тайёрлаган турли темаларда лекциялар тингланди. Айниқса, студентлардан М. Абдураззоқов, М. Раҳимбердиева, М. Назаров, Б. Маткаримов ўртоқлар томонидан қилинган «Хотира ва тасаввур», «Француз ва ўзбек тиллари ўртасидаги муносабат», «Етти йилликда Ўзбекистон саноати» каби темалардаги докладлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

С. Мусаев.

Бизга ёзадилар

Тошкентдаги ҳисоб-бухгалтерия техникумини 200 киши тамомлаб чиқди. Улардан 30 киши имтиёзли диплом олди. Ёш мутахассислар республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги РТС, колхоз ва совхозларда экономист, бухгалтер бўлиб ишлайдилар.

У. Тўраев.

* * *

Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 118-мактабнинг 7-синфларида имтиҳонлар ўқишқоқлик билан бошланди. Улар биринчи имтиҳон — математикадан муваффақиятли ўтдилар. Қ. Абдураҳимов, Р. Шукурова, А. Содиқов сингари ўқувчилар дастлабки имтиҳонлардан аъло баҳо олдилар. Ҳозир ўқувчилар она тили ва рус тилидан бўладиган имтиҳонларга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

М. Абдураҳимова.

* * *

Ўрта Чирчиқ районидаги 15-мактаб ўқувчилари 40 гектар ерда ғўза ўстириб, яхши парвариш қилмоқдалар. Ўқувчилар ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилаётирлар.

Т. Тожиев.

Ёш техникларнинг республика станциясида

Суратда: ёш радиоҳаваскорлар тўгарагининг аъзолари машғулот ўтказмоқдалар. М. Нуриддинов фотоси.

Пионер ва ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ва фойдали машғулотлар билан ўтказиш учун катта имкониятларга эгадирлар. Улар турли тўгаракларга қатнашадилар, мактабдан ташқари болалар муассасаларидаги турли билим ва ҳунар маконларида таълим оладилар. Ана шундай муассасаларнинг бири Ёш техникларнинг республика станциясидир. Бу ерда турли-туман қизиқарли тўгараклар бор, уларнинг қатнашчилари кўпгина янгиликлар яратмоқдалар.

Кема моделлари тўгараги аъзолари яхта, теплоход ва бошқа кемаларнинг ўзиюрар моделларини ясамоқдалар. Тўгарак аъзолари радиосигналлар ёрдами билан бошқариладиган кема моделини яратдилар.

Яқинда станциянинг ёш техниклари Москвадаги «Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси»га ўзлари ишлаган турли экспонатларни юборишдилар. Булар орасида «Комсомол 40 йиллиги» деб аталган 15 лампали катта телевизор, чала ўтказгичли триодлардан ясалган кичкина радиоприёмник, ТУ-104 реактив самолётининг макети, соатига 125 километр йўл босадиган механик двигателли корд модели, пахта пункти, мактаб-интернат макетлари, «Волга», «Москвич» автомобилларининг моделлари бор.

1 Май куни шаҳар кўчаларида юрган «Юний техник» деб аталувчи кичкина автомобиль ҳамманинг эътиборини тортди. Бу машинани ёш конструкторлардан Марат Тулебаев, Валерий Мальцев, Станислав Мендельсон ва уларнинг ўртоқлари ясаганлар.

Ёш кинооператорлар тўгараги «Авиамоделчилар мусобақаси», «Тошкентда 1 Майнинг байрам қилиниши» каби кинофильмларни суратга олдилар.

Болаларнинг вақтлари хушчақчақ ўтиши учун станцияда ҳаммаси имконият бор. Улар учун яхши жиҳозланган устахона ва лабораториялар, малакали мутахассислар хизмат қилмоқда. Бундан ташқари станцияда қизиқ-қизиқ кинофильмлар намойиш қилинади, дорилфунун ишчи ва атоқли олимлар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Яқинда станциянинг ёш кимёгарлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор Усмонов ва кимё фанлари кандидати Хўжаев ўртоқлар билан учрашдилар. Улар тўгарак аъзоларига янги кимёвий моддалар, синтетик бирикмалар, пластмассалар ҳақида, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида сўзлаб бердилар. Олимлар суҳбатлари давомида қизиқарли тажрибаларни ҳам қилиб кўрсатдилар.

Станция ёш техникларнинг ижодига ёрдам бериш, уларга раҳбарлик қилиш мақсадида фан ва техниканинг турли соҳаларига оид суратли брошюралар, қўлланмалар нашр этмоқда. «Ёш фотоҳаваскорларга», «Фильмоскопни қандай ясаш керак», «Пионерлар дружинасининг авиамоделчилар тўгараги», «Моҳир қўллар» каби брошюра ва қўлланмалар республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги ёш техникларга юборилди. Техника тўгараклари раҳбар педагоглари учун махсус методик қўлланмалар ҳам нашр этилмоқда.

Айниқса ўқувчиларнинг ёзги каникули даврида станциянинг ишлари янада қизиб кетади. Янги саноат корхоналарига бир неча экскурсия уюштирилади. Тўгарак аъзолари геологлар, атомшунос олимлар ва бошқа соҳаларда иш олиб бораётган мутахассислар билан учрашувлар ўтказадилар. Станцияда ёш кимёгарларнинг клуби ташкил қилинади.

Ёш техниклар республика станциясининг коллективи мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳақидаги партия ва ҳукумат кўрсатмаларини бажариш учун таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш йўлида астойдил курашмоқда.

М. ХАБИБУЛЛИН,
М. САИДМУРОДОВ.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

Муҳим тадқиқотлар

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг илмий ходимлари республикамизда зоология ва паразитология фанини ривожлантириш устида кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Ҳозир институт лабораторияларида 50 га яқин аспирант ва илмий ходим турли темаларга тааллуқли тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқдалар. Биология фанлари кандидати С. Журавская илмий ходим Р. Ҳакимова билан ҳамкорликда ғўзадаги кўк қурт ва илдиз бити касалликларини ўргандилар, уларга қарши кураш чораларини аниқладилар.

Яқинда биология фанлари кандидати В. Карпенко ҳайвонот боғидаги илонлардан заҳар олишга муваффақ бўлди. Олинган илон заҳари махсус илмий-текшириш институтларига юборилди. Медицина тажрибалари шуни кўрсатадики, илон заҳари киши организми шикастланганда қонни тўхтатишда қўлланганда яхши натижалар берган. Шунинг учун ҳам илмий ходимлар турли касалликларни даволашда илон заҳаридан самарали фойдаланишга жиддий эътибор бермоқдалар.

Биология фанлари кандидати Комилов ва илмий ходим Одилова ўртоқларнинг ишлари Ўзбекистонда балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган. Улар балиқларни сунъий равишда кўпайтиришни ўрганаётирлар.

Бундан ташқари институтнинг кўпгина илмий ходимлари республикамизда чорвачилик, мўйначилик ҳамда хўжалигимизнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган илмий проблемалар устида ишламоқдалар.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Сувчи

Тун қўйнида ўйноқлар шамол,
Ғўзаларнинг елпиб баргини,
Кўкда ой ҳам кўрсатиб жамол,
Ёритмоқда қир этагини.
Эл уйқуда, ҳаммаёқ жимжит,
Боғда булбул куйлайди қўшиқ.
Эгатларни оралаб йигит,
Одимлайди ишончи тўлиқ.
Йўл-йўлакай текшириб чимин,
Жўякларга оқизади сув.
Ой нур сочиб, жилмайган сайин,
Сув товланар мисоли кўзгу.
Гўё раҳмат дегандай яшнаб,
Силкинишар яшил япроқлар.
Сувчи юрар сувга йўл бошлаб.
Қораяди ташна тупроқлар.
Ҳар ғўзага бўлар парвона.
Севиб, қучиб эркалагандай,
Ғўдагини меҳрибон она.
Мўл ҳосилга ваъда берган у,
Аҳдни ўташ йигитга одат.
Шунинг учун келмайди уйқу,
Чунки шундан топган саодат.
Хаёлида кезади бирдан,
Меҳнатига орден таққан куз.
Беллашамиз, қўл беринг, деган,
Табассум-ла кулиб боққан қиз.
Қўл берганди йигит ўшанда,
Йўқ қўл эмас қалбини бутун,
Қиз севгиси, Ватан меҳри-ла
Гуркиратар ғўзани ҳар кун.

Турсун ИБРОҲИМОВ.

Чет элларда

Германия билан сулҳ шартномаси тузиш учун

ПЕКИН, 12 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Шу кунларда Хитой Халқ Республикасида герман халқининг Германия билан сулҳ шартномаси тузиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш юзасидан меҳнаткашларнинг кўп минг кишилик митинглари бўлмоқда.

Хитойнинг йирик саноат маркази — Тяньцзинь шаҳрида катта митинг бўлди. Митингда сўзга чиққан Тяньцзинь ишчилари кўп минг кишилик отрядининг вакиллари Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Германия ишчиларининг бирлашган, тинчликсевар ва демократик Германияни вужудга келтириш йўлидаги ҳаракатини тўла равишда қўллаб-қувватлаганликларини айтдилар.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА МИТИНГЛАР

Шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг бошқа бир йирик саноат маркази — Ухань шаҳрида ҳам ишчиларнинг кўп кишилик митинги бўлди. Митинг қатнашчилари Германия ишчилари ва халқига қарата якдиллик билан мурожаат қабул қилдилар. Мурожаатда Ухань ишчилари бутун хитой халқи билан биргаликда бундан буён ҳам Германия проблемасининг тинч ҳал этилиши учун курашни қатъий равишда қўллаб-қувватлайдилар, дейилади. Ғарбий Берлиндаги оккупация режимини тугатиш тўғрисида ва Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисида Совет Иттифоқининг ҳамда Германия Демократик Республикасининг конструктив таклифлари, дейилади мурожаатда, Германия проблемасини тинч йўл билан ҳал этиш учун қулай шарт-шароит яратиб берди.

Германия Демократик Республикасининг делегацияси ҳузурида қабул маросими

ЖЕНЕВА, 12 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Л. Больц бугун ўз резиденциясида ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида қатнашувчи СССР делегацияси учун қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Совет томонидан А. А. Громико, В. А. Зорин, Я. А. Малик, А. А. Смирнов, А. А. Солдатов, И. И. Ильичев, Л. Е. Сиомончук, И. Н. Земсков, В. М. Хвостов, О. П. Селянинов; немислар томонидан О. Винцер, Г. Теплиц, П. Флорин, В. Мейсснер ва Г. Кегель қатнашдилар.

Ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида

ЖЕНЕВА, 12 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Женева кенгашининг С. Ллойд раислигида ўтган бугунги мажлисида Совет ҳукуматининг Ғарбий Берлин тўғрисида ва Умумгерман комитети ҳақида Совет делегацияси томонидан 10 июнь мажлисида тақдим этилган янги таклифлари дискуссиянинг марказида турди.

Ғарб давлатларининг вакиллари ўз сўзларида янги совет таклифларини қандайдир «ультиматум» қилиб кўрсатишга уриндилар ва бу таклифларга қарши Ғарб давлатларининг Ғарбий Берлиндаги умри тугаб қолган оккупация режимини сақлаб қолиш ва абадийлаштириш истагига асосланган эътирозларни илгари сурдилар.

Совет делегациясининг бошлиғи А. А. Громико ўз сўзида Ғарб давлатлари вакилларининг нутқларини синчиклаб анализ қилди.

У, Ғарб давлатларининг Совет Иттифоқини Ғарбий Берлиндаги оккупация режимини забадийлаштиришга рози бўлишга кўндириш йўлидаги уринишлари беҳудадир ва Совет Иттифоқи бу хил мақсадларни кузатадиган бирор ҳужжатни имзолай олмайди, деди.

Келинг, деди у, иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан бери 14 йил ўтганлигини ва аҳвол ўзгарганлигини ҳисобга олайлик ва реалистик асосда битимга келиш йўлини қидирайлик. Совет Иттифоқида бундай битимга келишга ёрдам бериш истаги катта, деб таъкидлади А. А. Громико. Лекин бу иш СССР гагина эмас, балки кенгашнинг ҳамма қатнашчиларига боғлиқдир.

15 июнда министрларнинг ғайри расмий учрашуви бўлади, деб белгиланди.

„Канаданинг маданий ҳаётидаги тарихий воқеа"

СОВЕТ БАЛЕТИ ТОРОНТОДА

ТОРОНТО, 12 июнь. **(ТАСС мухбири).** Кеча бу ерда СССР Давлат академик Большой театри балет труппасининг биринчи спектакли бўлди. Балет труппаси Канададаги ўз гастролини «Жизель» спектакли билан бошлади.

Канадаликлар совет балетига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Спектаклга ҳамма билетлар уч ҳафта бурун сотилган эди. Бу эса Канада театр турмуши тарихида мисли кўрилмаган воқеадир. Канадаликлар билетларнинг қимматлигига ҳам қарамадилар. Торонто аҳолисигина эмас, балки Канададаги бошқа шаҳарлардан келган кишилар ҳам билет қидириб юрдилар. Совет балетини ўз ватанларида кўришга муваффақ бўлолмаган кўпгина американликлар совет балети усталарини бу ерда кўриш имкониятига эришиш умидида Канадага келдилар.

СССР ва Канада давлат байроқлари билан безатилган 8.000 ўринли «Мэпл лиф гарденэ» театрининг каттакон зали тамошабинлар билан лиқ тўлган. Залда Онтарио вилоятининг вице-губернатори К. Маккей, СССР нинг Канададаги элчиси А. А. Арутюнян, кеча Канадага келган СССР Олий Совети депутатлари группаси, Торонто шаҳрининг мэри Н. Филиппс, Канада савдо-саноат доираларининг кўзга кўринган намояндалари, маданият арбоблари ўтирган эдилар. Тамошабинлар орасида Канаданинг миллий балет труппаси, театр танқидчилари, жуда кўп канадалик ва чет эл журналистлари бор эди.

СССР ва Канада давлат гимнлари ижро этилади.

Сўнгра чинакам рақс байрами бошланади. Галина Уланова, Николай Фадеечев, Елена Ильюшченко, Александр Радунский, Владимир Левашев ва балет труппасининг бошқа ҳамма қатнашчилари илҳом билан ўйнайдилар, тамошабинлар завқ билан тамоша қиладилар. Узоқ давомли қарсак чалиниб, «Офарин» деган хитоблар эшитилади. Бир овация кетидан иккинчиси авж олиб кетади. Тамошабинларнинг завқшавқи чексиздек туюлади.

Спектакль тамом бўлгандан кейин тамошабинлар совет артистларини гуллурос овация билан табриклайдилар. Совет труппасининг бутун состави саҳнага чиқади, вилоятнинг вице-губернатори Маккей артистларининг вице-губернатори К. Маккей, СССР нинг Канададаги элчиси А. А. Арутюнян, кеча Канадага келган СССР Олий Совети депутатлари группаси, Торонто шаҳрининг мэри Н. Филиппс, Канада савдо-саноат доираларининг кўзга кўринган намояндалари, маданият арбоблари ўтирган эдилар. Тамошабинлар орасида Канаданинг миллий балет труппаси, театр танқидчилари, жуда кўп канадалик ва чет эл журналистлари бор эди.

СССР ва Канада давлат гимнлари ижро этилади.

Сўнгра чинакам рақс байрами бошланади. Галина Уланова, Николай Фадеечев, Елена Ильюшченко, Александр Радунский, Владимир Левашев ва балет труппасининг бошқа ҳамма қатнашчилари илҳом билан ўйнайдилар, тамошабинлар завқ билан тамоша қиладилар. Узоқ давомли қарсак чалиниб, «Офарин» деган хитоблар эшитилади. Бир овация кетидан иккинчиси авж олиб кетади. Тамошабинларнинг завқшавқи чексиздек туюлади.

Спектакль тамом бўлгандан кейин тамошабинлар совет артистларини гуллурос овация билан табриклайдилар. Совет труппасининг бутун состави саҳнага чиқади, вилоятнинг вице-губернатори Маккей артистлар олдига чиқади. У Онтарио аҳолисиа номидан Большой театрга Канадага келганлиги учун, ажойиб, унутилмас маҳораги учун ташаккур изҳор қилади. Яна қарсаклар бошланади. Совет артистларига катта гулдасталар тақдим этилади. Спектакль тамом бўлди, аммо тамошабинлар кетмайдилар. Кўп канадаликлар «Жизель» постановкасини ажойиб, гўзал, ёркин деб атайдилар. Залда: «Бундай артистларни биз ҳеч қачон кўрганимиз йўқ эди» — деган сўзларни эшитасиз.

Спектаклдан кейин Большой театрнинг балет артистлари Канада миллий балет труппаси томонидан ўзлари шарафига ўтказилган қабул маросимида ҳозир бўлдилар.

«Глоб энд мейл» газетаси Большой театр балетининг Канадага келиши — мамлакатнинг маданий ҳаётидаги тарихий воқеадир, деб ёзади. Газета Большой театрнинг ўз мамлакатидагина эмас, балки бутун дунёда ҳам катта ўрин тутганлигини таъкидлайди.

Газета Большой театрни «Ҳозирги Россиянинг ифтихори» деб атайди ва маданият соҳасидаги алоқалар халқлар ўртасида яхши ҳамжиҳатлик бўлишига олиб келади, деб умид билдиради. «Торонто халқи Большой театрни қизғин табриклайди» — деб ёзади пировардида газета.

В. ВАШЕДЧЕНКО.

Франция ва Аргентинада забастовка ҳаракати

Франция ҳукуматининг молиявиқтисодий сиёсати меҳнаткашлар оммасининг гарданидаги оғир юк бўлиб, уларнинг қонуний норозилиги ва ғазабини тутдирмоқда.

«Юманите» газетасининг хабар қилишича, Лотарингия ҳавзасининг 40 минг металлисти 11 июнда 24 соатлик забастовка ўтказганлар. Мозель департаментидаги барча металлургия заводларининг, шунингдек Мерт ва Мозель департаментидаги металлургия заводларининг меҳнаткашлари ўз ўртоқларига ҳамжиҳатлик билдириш юзасидан қисқа муддатли забастовкалар ўтказганлар.

Газета шуни ҳам кўрсатадики, Сена, Сена ва Уаза департаментлардаги коммунал корхоналар ва муассасаларнинг ишчилари ва хизматчилари забастовка ўтказдилар.

Аргентинада мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилинганига қарамай забастовка ҳаракати кучаймоқда. Мамлакат экономикасининг деярлик ҳамма тармоқларидаги меҳнаткашлар иш ҳақини ошириш ва бошқа бир қанча талабларни қондириш учун курашда иштирок қилмоқдалар.

Банк хизматчиларининг умумий забастовкаси икки ойдан буён давом этмоқда. Буэнос-Айреснинг ишчилар райони бўлган Авельянед муниципалитети ходимлари 2 ойдан кўпроқ вақтдан буён иш ташлаб турибдилар.

Ўз сафларида 59.000 кишини бирлаштирувчи Аргентина гўшт-музлатиш саноати ишчиларининг касаба союз федерацияси 11 июнда 24 соатлик забастовка эълон қилди. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини, ишчи ва хизматчиларнинг ялпи равишда бўшатиб юборилишини тўхтатиш, ҳукуматнинг федерация ишларига аралашмаслигини талаб қилмоқдалар.

Шу ҳафтада 95.000 винокор ишчиларнинг ҳам забастовкаси бўлди. Бу забастовка натижасида бутун мамлакатда қурилиш ишлари деярлик тўхтаб қолди. Масалан, Буэнос-Айресда ана шу забастовкага ишчиларнинг 98 процента қатнашди. Шу кунларда 15.000 алоқа ходимлари ҳам забастовка ўтказдилар.

Кескин кураш натижасида шаҳар ва шаҳар атрофи транспортининг ходимлари иш ҳақининг оширилишига эришдилар. (ТАСС).

Ғарбий Германиядаги Америка базаларида бошқариладиган снарядлар

НЬЮ-ЙОРК, 12 июнь. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлиги Гейдельберг (Ғарбий Германия) дан қуйидагиларни билдиради. Европадаги Америка армияси штаб-квартирасининг хабар қилишича, Ғарбий Германиядаги америка қўшинлари ва АҚШнинг ҳарбий базаларига Американинг «Ника-Геркулес» типидаги бошқариладиган снарядлари топширилган.

Дилбарнинг жавоби

(ҲИКОЯ).

Газетамизнинг шу йил 29 март сонида Сами Раҳимовнинг «Шу ишинг яхшими, Дилбар?» ҳикояси босилган эди. Бу ҳикоя ҳақида газеткохонлардан кўплаб хатлар олинди. Шунингдек Сирдарё районндан ёш қаламкаш Шароф Отамуродов «Дилбарнинг жавоби» ҳикоясини ҳам юборган. Қуйида шу ҳикоянн босамиз.

«Мушарраф! Мени қидириб ёзган мактубингни ўқидим. Кўпдан бери юрагимни тимдалаб юрган дардимга томчи бўлса ҳам пича шифо топгандай бўлдим. Бу мактуб гарчи хунук ишларимни янгидан эслатиб, кўксимни оловдек ёндирган бўлса ҳам, мен бундан хурсандман.

Мени ўрта бўй, оқ юзли, шаҳло кўз, ингичка қош, қора соч деб атабсан. Мени энди ундай деб атама, дугонажоним, мени қора юз де, паст де, ҳа энг паст де... Бир вақтлари сенга чиройли кўринган юзимдаги ҳол энди беъмани ишларимнинг қора доги бўлиб қолди. Сен мени, ҳам ўзини, ҳам ёстиқдошини алдаган юзи қорани қидириб нима ҳам қилардинг. Тўғри, сен мени топиб сенга таниш бўлган юзимга тик қарамоқчисан. Эҳтимол аччиқ сўзлар билан мени чимдиб олмоқчидирсан...

Қилмишларимдан ҳатто сенга хат ёзишга ҳам юрагим бетламай юрувди. Мана бугун сенга ҳаммасини, ҳаммасини ёзаман, йиғлаб туриб, кўз ёшларим билан ёзаман.

Сен билан сўнгги марта учрашиб, йўлга чиқканимизда руҳим сокин, қалбим қувончга тўла эди. Машинамиз узоқ йўл босиб, қишлоқлар ва шаҳарлардан ўтиб борарди. Кўп фурсат бўлмай, чўлга кириб бордик. Ғувиллаб эсиб турган шамол кабина ойнасидан қум ва чўлнинг димиқтирадиган ҳароратини димоққа уларди. Юрагим ортиқиб, ёнимда ўтирган онамга қарадим. У нимадандир хафа эди. Афтидан мени чўлга ташлаб кетиш уни қайғуга солиб қўйгандир. Мен ота-онамнинг ёлғиз қизи, овунчоғи, арзандаси эдим.

Пўлатжонга берилган янги уйга жойлашгач, онам шаҳарга қайтиб кетди. Пўлатжон кун бўйи, баъзида кечалари ҳам ишда бўлар эди. Мен эса уйдаман. Менинг ишлашимга авваллари Пўлатжон розилик бермади. Энди эззукун дераздан тикилиб ўтираман. Гоҳо хаёллар мени олисларга олиб қочади... Шунда сен билан, дугоналарим билан ўқиб юрган чоғлар, ёшлик шўхликлари кўз олдимда гавдаланади. Пўлатжон... Севги маст қилган кўзлар... шўх кулгилар..: уларнинг ҳаммаси энди гўё сира ҳам қайтиб келмайдиган воқеаларга ўхшаб туюларди.

Бутун йил шу ҳолда ўтди. Негадир Пўлатжон отпускага чиқмади. Бу орада бир-икки бор у билан биргалашиб дам олдим, ҳолос. Ҳар гал ойимлардан хабар олайлик десам, «Дилбар, жонгинам, ишим жуда кўп. бир кун ишдан қолсам режа бузилади. Машина топиб берай, ўзингиз бориб келинг» дейди.

Зерикишим ниҳоятига етган эди.

Боладан ажралганимиздан сўнг эса мени умидсизлик қамраб олди. Болам билан бутун кун овунар эканман. Пўлатжон энди мени ишланг дея қистай бошлади. Бу пайтларда мен эса ишлашни хаёлимга ҳам келтирмас эдим. Бекорчиликка кўникиб қолган эканман.

Пўлатжонни кўрсам, негадир, хўрлигим келадиган, юрагим ҳовлиқадиган бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида Пўлатжон бир йигитни бошлаб келди. У ҳам Пўлатжонга ўхшаб кўҳликкина, ёқимтой, сўзлаганида майин жилмайиб турар эди. Институтдан практикага келган экан. Яхши кутиб олдик. Шундан сўнг у йигит бизнинг уйга тез-тез келадиган бўлиб қолди. У Пўлатжон билан муносабатимиз ёмон эканлигини, чамамда, пайқаб қолган эди. Орадан бир неча кун ўтгач, мени кинога таклиф этди. Эътироз билдирмадим... Чакки қадам кишини не-не қуйларга солишини мен ўша пайтларда сезмаган эканман. Бошим айландими, кўзим тиндими, ўзим ҳам билмайман, эҳтимол Миркомилнинг ваъдалари, илиқ илтифотли сўзлари ақлимни олиб қўйгандир... Пўлатжонни унута бошладим.

Тошкентга келиб Миркомил билан бирга яшай бошладик. Лекин бу ерга келгач, негадир, кўчага чиқишга ҳам, тамошаларга боришга ҳам, ҳатто деразадан ташқарига боқишга ҳам ботина олмай қолдим. Худди бирон танишим мени изза қилмоқчидек ёки қилмишларимдан кулмоқчидек туюларди... Ана шу вақтларда мен чуқур хато қилиб қўйганимни пайқай бошладим. Аммо пайт ўтган эди.

Кўп ўтмай Миркомил диплом олди. Лекин ишга жойлашмади. Бошқа ёққа ишга боришни хаёлига ҳам келтирмасди. Иккимиз ҳам бекорчи бўлиб қолдик. Миркомил кейинчалик деярли ҳар куни маст бўлиб келар, мен билан жанжаллашар эди. Баъзан икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетадиган одат ҳам чиқариб олди.

Бир кун эшикни аллаким чертди ва жавоб кутмасдан тўппа-тўғри уйга кириб келди. У чиройликкина, ўрта бўйли жувон эди. Ёши ҳам чамамда меникидан катта эмас. Ўрнимдан туриб нотаниш аёлга стулдан жой кўрсатдим. Омонлашдик.

— Сизнинг исмингиз, янглишмасам, Дилбар бўлса керак-а, — сўради у синовчан кўз билан менга тикилар экан. Мен исмимни чиндан ҳам Дилбар эканлигини айтдим. Жувон ўзини Замира деб таниттди. Аввал тортинчоқлик қилиб дурустроқ суҳбатлаша олмадик. Аммо Замира очиқ кўнгил экан. Бир нафасдан сўнг суҳбатимизга файз кирди. Замира медицина институтини бу йил битирган, шаҳардаги касалхоналарнинг бирида ишлар экан. Гап орасида у ўзини Миркомилнинг қариндоши деб атади. Уни бирон яхши зиёфат билан кутиб олиш қўлимдан келмаганига афсусландим. Суҳбат давомида Замира ўзини қанчалик қувноқ тутишга тиришса-да, унинг кўксида аллақандай дард борлигини, пешонасини ажинлар босиб, кўзлари ғамгин чўккани сезиб турардим. Эҳтимол шунинг учундир Замирани совуқ кутиб олганимга ўзимдан уялиб кетдим. Замира кетиш олдидан менга бахт тилади. Лекин унинг кўзларида ёш томчилари бор эди...

Бу ерга келганимдан буён Замира иккинчи меҳмоним бўлди. Бундан ўн кунча аввал Миркомилнинг бир эски ошнаси ҳам келган эди. У менга газаб билан тикилди. Сўнгра Миркомил билан нима тўғрисидадир жанжаллашиб чиқиб кетган эди. Аммо мени Замира ўйлантириб қўйди. Миркомилдан сўраган эдим аммамнинг қизи дея қисқагина жавоб берди. Нега у менга жуда хафадек кўринди? Нега йиғлаб кетди у? Бунда бир гап бор...

Миркомил ўз одатига кўра эртасига яна барвақт чиқиб кетганича олти кун қорасини кўрсатмади. Еттинчи кун эшик тақиллади, яна рухсат кутмай хонага Замира кириб келди. Бу гал унинг ранги анча оқарган, сўлгин, қўлида сетка бор эди.

— Яхши ўтирибсизми, Дилбар?

— Раҳмат, юрагимни эзиб кетдингиз у куни...

Замира индамади. Олдига ноч-ной қўйдим.

— Дилбар, — деди у оҳиста, — мени кечиринг. Замира гапдан тўхтаб қолди ва аллақандай сирни очиб қўйган кишидай кўзини ерга тикди.

— Нима, кечиринг?

Замира дармонсизланиб, ўтирган жойида стулга пастлаб кетаётгандек эди. Унинг лаблари билинар-билинмас пичирлай бошлади.

— Мен Замира эмас, менинг исмим Ойдин. Унинг қариндоши Замира бошқа. Мен унинг... Унинг хотиниман...

Кўз олдим қоронғулашди, оёқларим дармонсизлангандай бўлди. Кўзимни очганимда кроватда ётардим. Ойдин юзимни елпимоқда.

— Наҳотки мен шунчалик...

Гапимни тугатмасимданоқ Ойдин:

— Йўқ Дилбар, ундай деманг, биламан, айб сизда эмас, — дея ҳаяжонланди.

Мен Миркомилнинг уйидан кетдим. Шу куни автобусга тушиб, яна янги шаҳарга келдим (ота-онам уйига боришга юзим чидамади). Чўлга келганимда, унинг кечки шабадаси ва кундузги иссиқ ҳавоси музлаб қолган қалбимни илитгандай бўлди. Маорифга кирдим. У ерда мени узоқ бир мактабга ўқитувчи этиб тайинлашди.

Дугонажон, энди сенга айтадиган гапим шу: мен жуда катта хатога йўл қўйдим. Юрагим ołовланиб, ўтган ишлар юрак бағримни куйдирмоқда. Мен Пўлатжонни севар эдим. Бу ёшликда туғилган ҳақиқий севги эди. Бу севги абадий қолиши керак эди. Аммо ўзимни ўзим алдаб қўйдим...

Дугонам, мени кечир, нима қилай, минг пушаймон қилсам ҳам барибир фойдасиз. Мен сиздан, мен учун жон куйдирган умрдошимдан жудо бўлдим. Бу балки мангу жудоликдир. Қилмишларим мени ҳаётда яккалаб қўйди.

Нима десанг фикрингни ёзарсан. Пўлатжон мени кечирмаслигини биламан. Шундай бўлса ҳам унга мендан салом деб қўйгин.

Хатингни интизорлик билан кутаман, салом билан Дилбар».

Шароф ОТАМУРОДОВ,
Сирдарё райони.

ФАРЗАНД

Ота муҳаббатин, она севгисин
Занжирдай боғладинг муҳирлаб ўзинг,
Эслатиб турибди шу гулгун юзинг
Шу қадар азизсан, ширинсан фарзанд,
Азиз ёстиқдошлар гулчеҳрасини.

А. Тўхтахўжаев фотоэтюди.

„Тиб қонунлари"нинг учинчи китоби

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти Абу Али ибн Синонинг медицинага оид асарларини чиқара бошлаган эди. Яқинда унинг «Тиб қонунлари» асари учинчи китобининг биринчи томи нашр этилди. Бу китоб ҳажм жиҳатидан катта бўлганлиги учун икки томга бўлиб чиқариш маъқул кўрилди. Биринчи томга I — XIII фанлар, яқин орада босилиб чиқадиган иккинчи томга эса XIV — XXII фанлар, шунингдек бутун учинчи китобга тегишли кўрсаткичлар ва бошқа иловалар киритилди. Биринчи томни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг старший илмий ходими А. Расулев таржима қилди. XI — XIII фанларни таржима қилишда филология фанлари кандидати А. Қаюмов ҳам иштирок этди.

Таржимани Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси профессор А. А. Асқаров ва медицина фанлари кандидати доцент В. Жумаев ўртоқлар кўриб, медицина жиҳатдан таҳрир қилдилар.

Таржима филология фанлари кандидати У. Каримов томонидан арабча оригиналга солиштириб чиқилди ва филология жиҳатдан таҳрир қилинди.

Бу китобни таҳрир қилишда СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Б. С. Преображенский, СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси В. Х. Василенко, СССР Медицина Фанлари академиясининг корреспондент аъзоси В. Н. Архангельский, Москва медицина институти медицина тарихи кафедрасининг бошлиғи Б. Д. Петров ва медицина фанлари кандидати Т. Қосимов ўртоқларнинг маслаҳатларидан ҳам фойдаланилди.

«Тиб қонунлари»нинг учинчи китобини ўзбек тилига таржима қилишда XII асрда кўчирилган ва ҳозир Лейденда сақланаётган қўлёзма асос қилиб олинди. Шунингдек асарнинг 1877 йилда Мисрда босилган нусхасидан ҳам фойдаланилди.

Таржима қўлёзмасини босмага тайёрлашда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими Ш. Зунуновнинг ҳам ҳиссаси бор.

Китобнинг муқоваси, расмлари ва безакларини Ўзбекистон ССР халқ рассоми И. Икромов ишлаган.

Китобда асосан киши гавдасининг бош қисмидаги турли аъзолар ҳақидаги, бош ва мия касалликлари ҳамда уларни даволаш йўллари ҳақидаги маълумотлар батафсил баён қилинади.

Бу асар медицина фани билан шуғулланувчи ўрта, олий ўқув юртларининг студент ва ўқитувчилари, медицина мутахассислари ҳамда қизиққан китобхонлар учун муносиб совғадир.

Ғаффор ҚУЗИЕВ.

Қисқа сатрларда

▲ **Оҳангарон.** Шаҳар бирлашган шифохонаси яқинда «УАЗ-169» маркали 2 та «Тез ёрдам» машинаси олди. Натижада беморларга хизмат кўрсатиш анча яхшиланди.

А. Кўкиев, Н. Қаюмов.

▲ **Янгиер.** «Голодностепстрой» қурувчилари «Дружба» совхози ишчилари учун 15 та кўп хонали каркас уй ва 200 кишига мўлжалланган ҳаммом биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Т. Абдуллаев.

▲ **Янгийўл.** Шаҳар кутубхонаси ҳузурида кутубхоначилик касбини ўрганиш тўгараги ташкил қилинган. Ҳафтада икки марта машғулот бўладиган бу тўгаракка юқори синфларнинг, 30 га яқин ўқувчиси қатнашмоқда.

Л. Блиндер.

▲ **Бўстонлиқ.** «Бўстонлиқ» боғдорчилик совхозининг 2-бўлимида нонвойхона қурилди. Янги нонвойхона Хўжакент, Хумсон ва Чарвоқ қишлоқлари аҳолисини нон билан етарли таъминламоқда.

О. Қабулжонов.

▲ **Верхне-волинск.** Райондаги «Социализм» совхозида шу йилнинг ўтган ойлари ичида ошхона, типовой чойхона, ёзги клуб, ўрта мактаб ва болалар яслиси бинолари қурилиб, ишга туширилди.

С. Бекмашев, З. Абдурахимов.

Тошкент аэропортида яқинда фойдаланишга топширилган уч қаватли хашаматли бинонинг пасткй қаватида янги, 155-саноат моллари магазини ҳам очилди. Магазинда кўп миқдорда эркак ва хотин-қизлар, болалар кийимлари, хилма-хил пойафзал, галантерея ва трикотаж буюмлари сотилмоқда. Тажрибали сотувчи ва консультантлар харидорларга намунали маданий хизмат қилмоқдалар. Суратда: магазиннинг газмоллар билан савдо қилиш салонида.

А. Горокрик фотоси.

Ўқувчи ва пионерларнинг орзиқиб кутган пионер ёзи бошланиб кетди. Шу кунларда барча пионер лагерларида ёшларнинг хушчақчақ ўйин-кулгилари, қувноқ ашулалари авжида. Пионер ва ўқувчилар хушманзарали соясалқин ерларда жойлашган пионер лагерларида ўз каникулларини кўнгилли ўтказиб, янги ўқув йилига янги куч, янги ғайрат билан қайтадилар. Тошкентдаги алоқачи пионер лагерида алоқа ходимларининг кўпгина фарзанди дам олади. Бу ерда уларнинг қувноқ дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Пионерлар турли тўгарак машғулотларида қатнашадилар, коллектив бўлиб, экскурсияларга чиқадилар. Оммавий равишда қизиқарли китоб, журнал ўқийдилар. Суратда: 2-отряд пионервожатийси В. Васильева пионерларга китоб ўқиб бермоқда.

Р. Альбеков ва С. Нурмуҳамедов фотоси.

Об-ҳавони олдиндан билиш

Бепоён Ватанимизнинг ҳамма жойида об-ҳавонинг қандай бўлишини кузатиб турувчи гидрометеорология станциялари ташкил этилган. Бундай станцияларни фақат аҳоли кўп яшайдиган жойлардагина эмас, балки баланд тоғ чўққилари, денгизлардаги ороллар, Арктика ва Сибирь тайгаларида ҳам учратиш мумкин. СССР бўйича гидрометеорология станцияларининг сони 1600 тадан ошади. Шу станцияларнинг 100 таси Ўзбекистон территориясида жойлашган.

Станциялар махсус илмий кузатиш асбоблари билан жиҳозланган бўлиб, уларда ишловчи ходимлар маълум бир программа асосида муайян соатларда атмосфера (об-ҳаво) ҳодисаларини кузатадилар. Бу ҳодисаларга атмосфера босими, ҳаво температураси ва намлиги, ернинг турли чуқурликдаги температураси, булутларнинг миқдори, формалари ва ердан қай даражада баландлиги, шамолнинг тезлиги ва қайси томондан эсиши, осмондан тушган ёғиннинг миқдори, туман, довул, момақалдироқ, қўёш нурларининг кучи ва ҳоказолар киради. Булардан ташқари ҳавонинг юқори қатламларидаги об-ҳаво ҳодисалари ҳам кузатилади. Бунда ер сатҳидан 15 — 20 километргача баландликдаги атмосферанинг босими, ҳаво температураси ва намлиги, шамолнинг қайси томондан эсиши ва тезлиги ўлчанади.

Маълумки, Ўзбекистонда пахта, ҳўл мева, сабзавот ва бошқа экинлар фақат суғориш йўли билан етиштирилади. Сувдан тўғри фойдаланиш учун эса дарёларнинг режимини ўрганиш ва сувнинг бир секунд ичида неча кубометр оқишини (сарф бўлишини) билиб туриш зарур. Шу мақсадда Ўрта Осиёнинг ўзидагина 100 жойда гидрология станцияси ва постлар ташкил этилган. Бу кузатиш пунктлари ҳар куни муайян соатларда дарёдаги сувнинг баландлиги ва сарф бўлишини ўлчаб турадилар.

Гидрометеорология станцияларида кузатишлар тамом бўлиши билан уларнинг натижалари ҳар бир станция томонидан 15 — 20 минут ичида Тошкент об-ҳаво бюросига телеграф орқали юборилади. Орадан 3 — 4 соат ўтганидан кейин эса ер юзининг бир неча қитъасидан, масалан Европа ва Осиё қитъаларидаги гидрометеорология станцияларидан об-ҳаво маълумотлари йирик об-ҳаво бюроларига етиб келади.

Бизнинг мутахассисларимиз (инженер-синоптиклар) ана шу маълумотларнинг ҳаммасини диққат билан ўрганиб, об-ҳаво прогнозларини тузиб чиқадилар, яъни об-ҳавонинг келажакда қандай бўлишини аниқлайдилар.

Об-ҳаво ва гидрология маълумотлари халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Масалан, чигит экиш, пилла уруғини урчитиш, токларни очиш, сабзавот кўчатларини ўтказиш ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларининг муддатларини белгилаш ҳамда агротехника тадбирларини муваффақиятли амалга оширишу учун об-ҳавонинг шу кунги вазияти ва келажакда қандай бўлишини ҳисобга олиш жуда зарурдир. Ана шундай маълумотлар республика, область ва районларнинг қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган раҳбар органларига, колхоз ва совхозларга доимий равишда юборилиб туради. Қиров, довул, момақалдироқ, туман, температурасининг қисқа муддат ичида кескин равишда ўзгариши каби халқ хўжалиги учун хавфли бўлган табиат ҳодисаларини ўрганиб, олдиндан айтиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Об-ҳаво бюросининг маълумотларига гражданлар ҳаво флоти ҳам муҳтождир. Масалан, самолётнинг учиш маршрутида ва бориб қўнадиган аэродромида об-ҳавонинг айни вақтдаги аҳволи ва яқин келажакда қандай бўлишини аниқ билмасдан туриб, учиш учун унга рухсат этилмайди. Аниқ об-ҳаво маълумотлари эса учиш хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир аэропорт ҳузурида махсус авиаметеорология станциялари (кичик об-ҳаво бюролари) ташкил этилган. Бу станциялар ўз аэродромлари районида об-ҳаво ҳодисаларини диққат билан кузатиб турадилар. Кузатиш натижалари эса ҳар соатда бир марта граждан ҳаво флоти радиостанциялари орқали бошқа аэропортларга хабар қилиб турилади. Мабодо аэродромда туман, момақалдироқ, паст булут, қаттиқ ёмғир ёки қор ёғиши каби авиация учун хавфли ҳодисалар рўй бергудек бўлса, дарҳол бу ҳақда 3 — 5 минут ичида радиостанция орқали бошқа аэропортларга огоҳлантиришлар юборилади. Ана шу тўпланган маълумотлар асосида ҳавога кўтариладиган ҳар бир самолётнинг бош учувчиси учун об-ҳаво прогнози аниқ ёзилган махсус учиш варақаси тайёрлаб берилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги вақтда об-ҳаво прогнозларининг сифати ҳали қониқарли эмас. Ҳозир об-ҳаво маълумотларини аниқ белгилаш учун бирқанча тадбирлар кўрилмоқда. Халқаро геофизика йили программаси бўйича бутун дунё миқёсида, шу жумладан Антарктидада олиб борилаётган илмий кузатишлар об-ҳаво прогнозларининг методик усулларини яхшилашга қаратилган. Бундан ташқари СССР да бир қанча гидрометеорология илмий-текшириш институти ташкил қилинган. Шундай институтлардан бири Тошкентда ҳам ишлаб турибди. Бу илмий муассасаларда олиб борилаётган текшириш ишлари об-ҳаво прогнозлари сифатини яхшилашга шубҳасиз ёрдам беради.

А. ТОҲИРЖОНОВ,
Тошкент об-ҳаво бюросининг бошлиғи.

Физкультура ва спорт

Республика XI спартакиадаси

Республикамизнинг Фарғона, Андижон ва Самарқанд областларида Ўзбекистон ССР XI спартакиадаси программаси юзасидан спортнинг 13 тури бўйича ўтказилган мусобақалар тамом бўлди. 1-группада қатнашган Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Андижон, Наманган областлари ва Қорақалпоғистон АССР спортчилари ҳамда Тошкент шаҳрининг 2 та командаси ўрталаридаги кураш кескин тус олди.

Тошкент шаҳрининг 1-терма командаси СССР халқларининг 2-спартакиадасида республикамиз спорт шарафи учун курашадиган спортчилардан иборатдир. Бу команда бокс, баскетбол, эркин ва классик кураш, гимнастика, сузиш, сув полоси, фехтования ва штанга бўйича биринчиликни олди. Пойтахтимизнинг «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти футболчилари Фарғона области футбол командасига ютқазиб, 3-ўриннигина эгалладилар.

Тошкентнинг 2-командаси стол тенниси ва велоспорт бўйича ғолиб чиқди. Фарғона, Тошкент ва Андижон спорт делегациялари 3-ўрин учун қизғин курашдилар. Ҳозирча 3-ўринни қайси область командаси олишини айтиш қийин. Ҳали олдда енгил атлётика, отиш, сувга сакраш, теннис, волейбол ва ҳозирги замон пятиборьеси бўйича мусобақалар турибди.

Кеча, пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон ССР XI спартакиадасининг якунловчи қисми тантанали суратда очилди. Спартакиаданинг якунловчи мусобақалари спортчиларимиз учун жиддий синовдир.

А. БЕРЕЗОВСКИЙ.

Телевизор экранида

14 ИЮНДА

12.00. Киножурнал.
12.10. Бадиий фильм — «Тамоша бўлади!».
19.00. Олмалиқ шаҳар бадиий ҳаваскорларининг концерти.
19.30. Киножурнал.
19.40. Сўнгги ахборот.
19.55. Бадиий фильм — «Кенса Аширнинг ҳийласи».
21.25. Студентлар эстрада оркестрининг концерти.

15 ИЮНДА

19.30. «Мактаб ва меҳнат» деган эшиттириш.
19.40 Киножурнал.
19.50. «СССР ёзувчилари III съездининг қатнашчилари студиямизда» деган адабий эшиттириш.
20.10. Сўнгги ахборот.
20.25. Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш.
21.10. Киноповесть — «Умр беҳуда ўтди».
22.40. М. Горький номидаги рус драма театрининг янги «Олтин бузоқча» спектаклидан парчалар.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

ФЕЛЬЕТОН

ОШХОНА КОМЕДИЯСИ

Бир неча ойдан буён Тошкент транспорт машинасозлик заводи сахнасида ажойиб бир комедия ўйналмоқда. Ҳамма комедияларда бўлгани каби бунда ҳам персонажлар асосан икки гуруҳга бўлинганлар. Биринчи гуруҳ завод ишчилари, иккинчи гуруҳ эса завод директори Шувалов, партия ташкилотининг секретари Цибульскийлардир. Комедиянинг бош қаҳрамони завод ҳузуридаги 32-ошхона мудири, ўтакетган тантиқ ва эрка Пикалова хоним бўладилар.

Комедиянинг сюжети қуйидагича: Завод ҳузуридаги ошхонада овқатлар сифати гоят ёмонлашган. Ҳар куни бир йўсинда бемаза тайёрланадиган таомлар ишчиларнинг меъдасига теккан. Бир хил ишчилар ошхонага кирганда кўнгли айнийдиган бўлиб қолишган. Ошхона ўз планини ташқарига пиво, пирожки чиқариб сотиш ҳисобигагина бажаради.

Пикалова хоним бўлсалар бу аҳволни тузатишни хаёлларига ҳам келтирмай, нуқул завод раҳбарларининг кўнглини хушлаш, уларнинг пашшасини қўриш, гоҳо пайт пойлаб, ўғирлик қилиш билан ҳам шуғулланадилар. Тунов куни ошхонага қарашли бир бўрдоқи чўчқани 1250 сўмга пуллаб олган ҳам ана шу хонимнинг ўзлари бўладилар.

Ошхонадаги буфетчи ва бошқа айрим сотувчилар ҳам хонимдан ўрнак олиб тарозидан уриб қолишга, таомларни ортиқча нарх билан сотишга ўрганиб қолганлар.

Ошхонада кўпинча жанжал, дил сиёҳлик...

Комедиянинг воқеаси соат сайин ривожланиб боради.

Ниҳоят ишга завод касаба союз комитети аралашиб, ошхонанинг фаолиятини чуқур анализ қилади. Ошхонада чиндан ҳам ўғирлик авж олгани ва таомларнинг сифати ёмонлашгани аниқланади. Комитет бу ишларнинг жавобгари бўлган Пикалова хонимни ишдан олиб ташлаш ҳақида қарор чиқарди. Аҳвол Октябрь район ошхоналар трести раҳбарларига маълум қилинади.

Мана, басавлат, қадди-қомати келишган Шувалов. Қўлида ошхонанинг айрим гўшт бўлувчи ва буфетчилари томонидан ишчилар ҳақига қилинган хиёнат ва ошхонада тайёрланган баъзи таомларнинг истеъмол учун яроқсиз топилгани тўғрисидаги бир неча акт ҳамда Пикаловани ишдан олиш ҳақидаги завод касаба союз комитетининг қарори... У қаноти остида «мугайиб» турган Пикаловага «ташвиш қилманг, ҳеч нарса бўлмайди» деб далда беради.

Пикалова хоним бўлсалар талтайиб кетиб, ноз билан:

— Ишчиларингизни, ҳаммадан ҳам ишчи контроль комиссияси аъзоларини тийиб олинг,— дейдилар ўпкаланиб.

Шувалов шу топдаёқ қўша-қўша акт ва завод касаба союз комитети қарорини шиддат билан «кирса чиқмас» пўлат сандиққа солиб қўяди...

Ишчиларнинг ҳаяжонланиши яна авжига чиқади. Жонкуяр, софдил ходимлар бундан қаттиқ газабланадилар. Комедия воқеалари кескин тус олади.

Директорнинг хонаси. Унда Шувалов билан Цибульский ошхона ишидаги ҳақиқий аҳволни очиб ташлаган Усмонов ва Ярошевский ўртоқларни гойибона қойиб ўтиришипти. Шу пайт хонага «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 24 апрель сонини кўтариб олган Пикалова ҳаяжон билан кириб келади.

— Қани, мени ҳимоя қилганларинг? — норози оҳангда сўрайдилар хоним,— мени танқид қилишипти-ку!

Шувалов билан Цибульский газетадаги Усмонов ва Ярошевский имзоси билан «Ҳақли сигналларга эътибор берилсин» сарлавҳали мақолани ўқишиб, тепа сочлари тик бўлиб кетади. Партком ўрнидан турадида, тантанали суратда қўлини пахса қилиб:

— Қўрқманг, газетага хабар ёзган заводимиздаги бу бўрилар сизни еб қўйишаолмайди,— деб тасалли беради. Ана, партия ташкилоти секретарининг завод касаба союз комитети қарорига бўлган муносабати!

Директорнинг 27 апрелдаги 38-буйруғи билан бошқа ходимлар қаторида комедиямизнинг бош қаҳрамони ҳам «яхши ишлагани учун» пул билан мукофотланади. Бу эпизодни кўрган тамошабинлар таажжубдан ёқа ушлайдилар. Комедия конфликти тез суратда билан ривожланади. Завод раҳбарлари газетага мақола ёзгани учун Усмонов ва Ярошевскийлардан аразлаб қоладилар.

Пушти-паноҳларнинг бундай ҳомийлиги Пикаловани баттар кеккайтириб юборади.

Октябрь район ошхоналар трести директори Сайфуллаев ҳам қилар ишни қилган Пикалованинг кўнглини кўтариб қўйди. Яъни 30 апрелда 118-буйруқ билан Пикалова бошчилик қилаётган ошхона коллективига ташаккурнома эълон қилди. Газетадаги танқидий мақола текшириш учун шу трестга юборилган эди. Директор ўринбосари ўртоқ Абдужабборова 21 майда редакцияга қуйидаги жавобни юборди:

«Газетанинг 24 апрель сонидаги мақола юзасидан текшириш ўтказилиб, ундаги фактлар тасдиқланди. Пикаловага қаттиқ маъмурий чора кўрилди. Хуллас, у кишининг айтишича, «ундай қилинди, бундай қилинди... Ҳақиқий аҳвол эса эски ҳаммом, эски тос. Дарвоқе, трест бошлиқлари Пикаловага «чора» кўришди. Лекин қандай чора денг? 14 майда 131-буйруқ билан Пикаловага «хўжакўрсин»га виговор эълон қилиниб, бу қарор папкага тикиб қўйилди. Лекин «бу қаттиқ, маъмурий чора» на Пикаловага маълум қилинди, на завод ишчиларига. Бундай юзаки жавоб билан трест раҳбарлари редакцияни «тинчитмоқчи» бўлишди.

Заводда ўйналаётган комедия ана шундай. Ишчиларнинг талаби ҳамон қондирилмаган. Шувалов билан Цибульский ўз арзандаларининг қора юзини бир амаллаб оқ қилиб кўрсатиш мақсадида завод ишчилар комитетини ҳақорат қилишгача бориб етдилар. Мухбирларни бўри деб атадилар.

Комедия воқеалари ҳамон давом этмоқда. Лекин унинг охирида Пикалова хонимни ҳимоя қилаётган раҳбарлар тартибсизлик, ўғирлик ва лаганбардорликни ҳимоя қилувчилар сифатида завод ишчилари олдида фош бўлишларига ҳеч шубҳа қилмаймиз.

Н. НАСИМОВ, З. МУҲАММАДЖАНОВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 14/VI да **Хуррият**, 16/VI да **Алишер Навоий**, қишки бинода: 14/VI да **Макр ва муҳаббат**, 16/VI да **Юрак ёнмоғи керак**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/VI да кундуз **Богема**, кечқурун **Маскарад**, 16/VI да **Дилором**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 14/VI да **Ватан ишқи**, 16/VI да **Азиз ва Санам**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Денгизчи қалби**, кундуз соат 3 ва кеч 9 да **Темир гул**.

«ВАТАН» — кеч соат 9-20 минутда **Денгизчи қалби**, кеч 10-50 минутда **Темир гул**.

«ОКТЯБРЬ» — **Тоғдан ёпирилган куч** (ўзбек тилида).

«СПУТНИК» — 1-залда эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 9 да **Мухбиримиз**, кундуз 3, кеч 5 ва 7 да **Тунги сафар**, 2- залда кундуз ва кечқурун **Темир гул**.

«ИСКРА» — 1 ва 2-залда **Денгизчи қалби**, 3-залда **Ваня**.

КАФАНОВ номли — кеч соат 9 да **Севги тароналари**, кеч 10-45 минутда **Мексика осмони тагида**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 4 да **Денгизчи қалби**, кундуз 2 ва кеч 6 да **Темир гул**, кеч 8 ва 10 да **Булутли тонг**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
15 июнда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
КОНЦЕРТИ
Кеч соат 9 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳридаги
«МЕТАЛЛИСТ» АРТЕЛИ
«Днепр» электр
ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ,
«Белка», «Волна», «Волга», «Урал», «Харьков», «Сибирь»
КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ,
чангдан тозалайдиган «Уралец», «ПЭМЗ», «Буран», «Днепр», «Ракета»
ПИЛЕСОСЛАРИ,
«Тула» тикув машиналарини гарантияли муддат ичида ва бу муддат тугагандан кейин
ремонт қилади
Бошқа системадаги тикув машиналари ҳам ремонт қилинади.
Мурожаат учун адрес: Лугин кўчаси, 88-уй.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
15 июнда (ёзги бинода),
16 июнда (қишки бинода)
КАТТА КОНЦЕРТ
Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдурахмонов**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Мунаввар Давлатова, Ҳасан Султонов, Равшан Қаландарова, Отажон Ражабов**, солистлардан **Адиба Мирзаева, Сора Шукурова, Ҳадяхон Юсупова, Шерали Пўлатов, Суръат Пўлатов, Райхон Тўраева** ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари ўсимликшунослик кафедрасининг доценти ўртоқ Зуфар Умаровга унинг отаси **Умар САЪДУЛЛАЕВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъатбўлими — 29040,135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р-01382. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1613.